

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**«ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР»  
КАФЕДРАСИ**

**Ш.А.АҲАДОВ**

**“ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ”  
 (“СОЦИАЛ СТРАТИФИКАЦИЯ НАЗАРИЯСИ”)  
(ўқув-услубий қўлланма)**



**САМАРҚАНД – 2007 ЙИЛ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

“Рухсат этаман”  
СамДАҚИ ўқув ишлари  
проректори, институт илмий  
услугий кенгаш раиси, техника  
фанлари доктори, профессор .....  
У.О.Соатов

“Тасдиқланган”  
М.Улуғбек номидаги СамДАҚИ  
илмий услубий кенгаш томонидан  
Баённома №..... “.....” .....2007  
йил

**«ИЖТИМОЙ ФАНЛАР»  
КАФЕДРАСИ**

**Ш.А.АҲАДОВ**

**“ИЖТИМОЙ ТУЗИЛМАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ”  
 (“СОЦИАЛ СТРАТИФИКАЦИЯ НАЗАРИЯСИ”)  
(ўқув-услугий қўлланма)**

**САМАРҚАНД – 2007 ЙИЛ**

Ушбу рисола, яъни ўқув-услубий қўлланма бевосита олий таълим тизимидаги бакалаврият босқичидаги талабаларга, магистрларга “Социология” ва “Иқтисодий назария” фанларига қизиқувчиларга, аспирантларга ва ижтимоий фанларга қизиқувчиларнинг барчасига мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: проф. С.К.Каримов

Такризчилар:        доцент Б.С.Қаршиев  
                              доцент С.Суюнов

Ушбу услубий қўлланма “Ижтимоий фанлар” кафедрасининг 2007 йил «27»сентябр (№ 2 сонли) йиғилишида, ижтимоий-гуманитар фанлари методик семинари 2007 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_даги (№ 1 сон) йиғилишида, СамДАҚИ илмий-услубий Кенгашининг «\_\_\_»\_\_\_\_\_2007 йил (№ \_\_\_сон) мажлис баёнида СамДАҚИ Илмий Кенгашида (2007 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_даги № \_\_\_сон) муҳокама қилиниб, фойдаланиш учун тасдиқланиб чоп этишга тавсия этилган.

## КИРИШ

«Социология» фанида “Ижтимоий тузилмалар социологияси” мавзуда “Социал стратификациялар назарияси” йўналиши муҳим аҳамиятга эга бўлган, ўрганилиши, долзарб вазифа ҳисобланган муаммолардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Чунки “Социология” фанида социал стратификациялар гўё Ғарбга таалуқлидек Ғарб социал олимлари ўрганиб фанга олиб кирган деган тушунчалар мавжуд бўлиб, Шарқ халқларида бу соҳага эътибор берилмаганлиги, уни ўрганилмай келганлигини таъкидлашга ҳаракат қилмоқдалар. Ваҳоланки Шарқ халқларида бу соҳа, яъни жамиятнинг страталарга ажралиб, унга эътибор бериш, ўрганиш, фанга олиб кириш ҳаракати қадимдан социал ва сиёсий қарашларни, вужудга келтирган ғоялар сифатида намоён бўлганлиги қадимдан маълум. Аммо бу ғоялар ҳақиқатда “Социология” фанига олиб кирилмаганлиги ва фан сифатида ўрганишлиги бевосита Ғарбга XIX аср ўрталарига бориб тақалади, Ғарбда жамият аъзоларини ижтимоий ишлаб чиқариш характериға мулкга бўлган муносабатларига қараб синфларга бўлиш одат бўлган бўлса Шарқда асосан Марказий Осиёдаги халқларни жамиятда эгаллаган мавқеига, диний-дунёвийлик, иззат-хурмати, ўрни ва ролиға, мулкига, насли-насабига қараб тоифаларға, табақаларға ажратиб алоқа ва муносабатларда бўлганлар. Ҳақиқатдан идеал жамиятда ҳам аҳолининг бир хил мавқеида бўлмасдан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан бирдек тенг бўлмаганидек, ҳозирға давр тараққиётида ҳам албатта бир хиллик, тенглик, текислик бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам жамият аъзоларининг ижтимоий аҳволи, ҳолати, турмуши, турмуш тарзи, эгаллаган мулкий, маънавий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тенг ва бир хил, текис бўлмаслигини ўрганиш социологияда муҳим назарий аҳамиятга эга бўлган муаммолардан биридир.

Шу сабабли ушбу мавзуда маълум даражада қисман бўлсада, аниқлик киритиб, Ғарб ва Шарқ халқларида, айниқса Марказий Осиё, шу жумладан мустақил Ўзбекистонимиз мисолида ижтимоий тузилмаларға, социал страталарға, девиант-ахлоқ, хулқ-атвор социологияси соҳаларига қисман фикр-мулоҳазалар билдириш.

Ушбу рисоланинг мақсади ҳисобланади. Бу соҳада қисман камчиликларға йўл қўйилган бўлсада китобхонлардан олдиндан узр сўрайман.

Муаллиф

## “ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ”

РЕЖА:

1. Ижтимоий стратификация назарияси ва социологияси моҳияти
  - а) ижтимоий страталар ва уларни ўрганиш тарихи
  - б) ижтимоий страталар хиллари, типлари, принциплари
2. Ёшлар социологияси тушунчаси
  - а) ёшлар социологияси тушунчаси ва моҳияти тўғрисида
  - б) жамиятда, Ўзбекистонда ёшлар потенциаллари ҳақида
3. Девиант хулқ-атвор социологияси
  - а) девиант хулқ-атвор моҳияти ва тушунчаси
  - б) девиант хулқ-атвор турлари, унинг моҳияти ва ўрганилиши

Ушбу мавзу социология фанида ўзига хос муҳим аҳамиятга эга бўлган, жамиятнинг ижтимоий тараққиёти тўғрисидаги назариянинг жамият макро ва микро даражаси ҳақида ижтимоий ҳаётдаги ижтимоий тенгсизлик характери, моҳияти, сабаблари системаси ҳақида тушунчалар берадиган соҳа ҳисобланади.

Ижтимоий стратификация назарияси ва унинг социологиясига тушунча берилиб, моҳиятига таъриф берилар экан, дастлаб стратификация ўзи нима эканлигига аниқлик киритмоқ керак.

Ижтимоий жамият бир хилда, бир текисда силлиқ ривожланмаган, ривожланмайди ҳам, шу сабабли жамият аъзолари ҳам ривожланиши, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ҳолати, турмуш тарзи ҳам бир хил бўлмайди, бир хилда ривожланмайди, тараққий этмайди, жамият аъзолари бир хилда, ҳаммаси бой, ёки ҳаммаси камбағал эмас, бойи ҳам, камбағали ҳам, ўрта ҳоли, қашшоқи ҳам, ўғриси-тўғриси, пок покизаси, бузғунчи муттаҳами ҳам ва ҳ.к. мавжуд бўлиб, жамиятдаги ушбу хилма-хилликни бевосита жамият стратификация назарияси ўрганади, социал хулоса чиқаради. Жамиятнинг умумий қатламларини аҳоли тоифалари, социал қатлам ва синфларни ижтимоий гуруҳларни, демократик, ирқий, синфий ҳолатларини ўрганади, таҳлил, таъриф, назарий хулоса беради. Жамиятда аҳолининг турли категория қатламларининг ўзаро алоқа ва муносабатларининг илмий, назарий асосларини, йўлларини, тартибга солинишликни ўрганади.

Социал стратификация – бу лотинча сўз бўлиб, *Stratum* – қатлам, **lacere**- бўлмоқ, бўлинмоқ маъноларини бериб ижтимоий жамиятни табиий қатламларга бўлинганлигини эътироф этувчи тушунча бўлиб, марксистларнинг жамият аҳолисини синфларга, синфий қарама-қаршилиқларга бўлинишига қарши, жамиятнинг синфларга бўлиб ажратиш назариясига қарши синфларга, синфий кураш назариясига зид Ғарбий Европа социологлари Вебер, Дюркгейм Парсонсларнинг ижтимоий жамият аслида ўзига хос жамиятнинг синфларга бўлинишининг асосий сабабчиси мулк, хусусий мулк муносабатлар эканлигини рад этиб, улар жамиятнинг бир-бирига қарама-қарши синфларга бўлиниши ўрнига – “ишлаб чиқариш” ишлаб чиқарувчи “иккинчи”, “иккинчи тоифа” ва “характери”, “характерли хусусияти”га қараб жамият аҳли қатлам, табақа ва тоифаларга бўлинади, - деган ғояни илгари сурадилар. Шу сабабли улар фикрича “аҳоли аралаш қатлами” бир-биридан умуман фарқ қилмайди – деган ғояни

қувватлайдилар. Ана шундай “Ижтимоий стратификация” ғояси социологияда пайдо бўлган.

Социал стратификация тушунчасида асосан қуйидаги учта белги – йўналиш муҳим роль ўйнаб, алоҳида ажралиб туради:

Биринчи – жамиятни қатламларга, табақаларга ажралишининг биринчи критерияси у ҳам бўлса социал мавқи, яъни социал авторитет, социал таъсирга эга бўлган социал ҳолатдир. Бу эса жамият аҳлининг “юқори, олий ва қуйи, паст” гуруҳ ва индивидларга, яъни бой, камбағал, ҳукмдор, итоаткор, аслзода – қора меҳнат аҳли – халққа ажралиш белгили йўналишидир.

Иккинчи – йўналиши эса ва унинг муҳими кишиларнинг ўзи-ўзига социал мавқеига қараб баҳо бериш белгисидир. Яъни бой ҳамма вахт бой, камбағал, подшоҳ-подшоҳ, эшон-эшон, аслзода-аслзода, қора халқ-қорахалқ ва ҳ.к.

Учунчи йўналиш эса социал қатламни аниқлаш энг муҳим критерия – у ҳам бўлса – профессия – малакавий касб-ҳунар, даромад, маълумот илмий-билимлилик критерияларидир. Демак, синфларга, синфий қарама-қаршилиқларга бўлиниш рад этилади. Стратификация кишилар ўртасидаги бир-биридан ажратиб турадиган фарқ иерархик босқичма-босқич зигзак образли – **характерли** ҳолатга эга деган фикр тушунилади. Бу нимани англатади? Кишилар жамиятда албатта бир-биридан фарқ қилади, лекин бу фарқларнинг ҳаммаси ҳам жамиятда кишиларни **тенгсизликка** олиб келмайди.

Бу тенгсизлик умуман олганда шуни англатадики, жамиятда кишилар ҳаммаси ҳам бир хил шароитда, бир хил имкониятда яшамайди, шу сабабли кишилар жамиятдаги чегараланган моддий ва маънавий эҳтиёжларга тенг ва баб-баровар фойдаланишга ҳам эга бўлавермайди ва қўйилабермайди. Бу энг муҳим тенгсизликнинг социал характери хисобланади.

Бу соҳада кишиларнинг жамиятда эгаллаган мавқеи, позициясига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ социал соҳалари ҳам мавжуддир, чунки алоҳида олинган кишилар бегона одамлар орасида қолиши ёки аксинчалик ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, жамиятда кишилар кўплаб имконият ва позицияларга эга бўлиб жамиятда инсонларнинг “тенглик” имкониятига турлича социал характердаги ҳолатларни юзага келтиради ёки ҳамма вахт ҳам социал жило беравермайди. Жумладан, талабалардан ҳоҳлаганча мисол олиш мумкин. Масалан, талаба, ёш эркак, ёш жувон, ўғил ёки қиз, эр, хотин, спортсмен, мутахассис в.б. Уларнинг ҳаммаси ҳам кишига ўз позициясида оз ёки кўп аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, спортсмен яхши, ўзига хос социал муҳитда бошқалардек, талаба, эркак ёки аёл, аммо у яхши спортсмен сифатида атроф-муҳити ичида алоҳида характерли хусусиятга эгадир. Алоҳида спортни мукамал ёки юзаки эгаллаган инсон-шахсидир.

Шу сабабли жамиятнинг ана шундай қатламлараро ҳолатини – стратификация социологик назариясини – жамият социал структурасининг

кўп қатламлик (многомерный) тизими мавжудлик ғоясини (М.Вебер) берган бўлса;

шу билан, яъни жамият кўп қатламли структурали тизимдан иборат бўлиб, синфлар мавжудлигини – хусусий мулк тизими статуси мавжудлик назариясини – социал статус назариясини, статус ва ҳокимиятнинг боғлиқлик ғоясини – стратификация социология статусини ёки функционал ғоясини – Парсонс, Шилз, Б.Барбер, К.Дэвис, У.Муррлар яратиб, социал стратификация назариясига асос солдилар. Социал стратификацияни назария ва амалий жиҳатдан ўрганишда фикран ҳар бир инсоннинг бошқа кишилар ўртасидаги ўрни, мавқеи роли масаласини ўрганишдан бошламоқ социал стратификацияда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқ керак. Чунки жамиятда реал ҳаётда инсон кўплаб имконият ва ҳолатли шарт-шароитларга ва позицияларга эгадир. Ушбу имконият ва эгаллаган позицияси кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига кўп ва оз ҳатто йўқ ҳолатда боғлиқ ва боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Бу муҳим ўринга ёки ролга, аҳамиятга эгадир. Алоҳида олинган инсон у балки жамиятда давлат арбоби, ёки студент, ўғри ёки бандит, ўғил ёки куёв, ота ёки бола ва ҳ.к. асосида намоён бўлиб, уларнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, роли бир хил эмас. Ана шунинг ўзи социал стратификация ҳолатини ташкил этади. Жамиятда ҳар бир индивид маълум мавқеига ва позицияга эга экан, маълум даражада ўзининг бурч ва маъсулиятини, ҳуқуқ ва мажбуриятини белгилаб берадиган статусга эгадир ва бу статус инсоннинг жамиятдаги бош статуси – социал ҳолатини белгилаб беради. Улардан айримлари инсоннинг туғилганлигидан (жинси, биологик ва социологик ҳолати, этник келиб чиқиши) бошқа статуслари эса инсоннинг бутун ҳаёти давомида шаклланиб, такомиллашиб боради. Унинг биринчиси “туғма, ёзилган статуси”, иккинчиси эса “социал ҳаётда орттирилган, тўпланган, такомиллашган статуси” да намоён бўлиб, бу эса “социал статус” “статив” деб аталиб, жамиятда инсоннинг социал стартификациялашиш даражасини ташкил этади.

Жамиятда ана шу инсоннинг ёки гуруҳнинг социал статуси иерархик ташкилий структурасини вужудга келтиради. Ушбу инсоннинг социал статуси кишининг чексиз социал имкониятга, мавқеига эга эканлигини, инсоннинг ана шу имконияти эса жамиятда турли хил мавқеларга эга бўлиши, кучи, имконияти, социал шарт-шароити мавжудлигини ҳокимиятга, моддий бойликка эга бўлишлик каби чексиз социал ҳолатларни инсоннинг ана шу социал статуси орқали билиб олинади, ҳатто бу имкониятлардан ўз вақтида ўринли фойдалана олмаган индивуд, гуруҳ социал мавқеидан маҳрум бўлиб қолишлигини ҳам аниқланишига асос бўлаолади.

Жамиятда мавжуд бўлган, юқорида таъкидлаган инсоннинг шахс даражасига (ижобий ёки салбий) кўтарилишида муҳим аҳамиятга эга бўлган социал ҳолат ва бу жараёнларда жамиятдаги социал гуруҳларнинг, инсоннинг, инсон (шахс) онг ва тафаккурининг ижтимоийлашувини аниқлашда эмпирик социал тадқиқотлар муҳим ҳам назарий, ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Чунки социал жамиятда ижтимоийлашув



жараёни ва уни аниқлаш, социал статус даражасига кўтариб, аниқ илмий фикр билдириш ниҳоятда мураккаб жараён ҳисобланади ва уни аниқлашда моддий жиҳатдангина эмас, маънавий жиҳат ва ундаги инсон (шахс) онг ва тафаккури ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам социал стратификация назариясини аниқлаш ва уни мукаммал ўрганишда эмпирик социал тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у сиз биронта социал жамиятдаги социал страталарни ўрганиш мумкин эмас. Шу сабабли социологияда эмпирик социал тадқиқотларни мукаммал ўрганиш талаб этилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, социал стратификация эмпирик социал тадқиқотларда уч хил ёндошув-услуг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шу услублар асосида ўрганилади. Яъни

1. ўз-ўзига-ўзича баҳолаш таъриф бериш ёки “синфий идентификация” (ёндашув) асосида таърифлаш бўлиб, унда социолог-респондентга (сўралувчи) ўз мавқеи ва қатламини сўраганда аҳолининг қайси синфидаги табақасига-даражасига мансуб эканлигини кўрсатилишига мувофиқ жавоб беришлик услубига айтилади, яъни инсоннинг жамиятда кимлиги ўзидан сўралиб аниқланади.

2. “Репутацияли баҳолаш услуби бўлиб, бунда сўровчи-тадқиқотчи социолог-сўролувчидан воситачи (эксперт ролини бажариши, яъни синфий табақа ёки мавқеини аниқланаётган шахс-кишига холисона бир-бирига қайси социал гуруҳга мансублиги билдириш услуби; яна ўзглар фикрига асосланиш услуби;

3. “объектив ёндошиш” услуби бўлиб, унда тадқиқотчи бир қатор объектив борлик критериялар асосида синфий-социал критерияли (даражали зинапоя ёки босқичма-босқичлик) асосида уч хил дифференцияцияли социал ҳолат асосида социал стратификация аниқланади, яъни ҳар бир индивуд, гуруҳ 1) ихтисослик мавқеи – яъни бу профессиянинг ноёблиги ва унинг орқасида социал турмуш ҳолатининг тобора яхшиланиб бориши; 2) маълумотлилиқ даражаси; 3) даромад даражасига қараб инсонларнинг социал стратификацияси – яъни аҳолининг социал мавқеи табақа ва қатлами аниқланади.

Ана шу услуб, яъни “объектив подход” усули Ғарб социологларнинг синфларга бўлиниши ва кишиларнинг социал-иқтисодий статусини аниқлашда муҳим роль ўйнаган ва бу услубдан кенг фойдаланган.

Кўплаб социологлар жамиятда кишиларнинг социал мавқеини, табақа ва қатламларини аниқлашда стратификациялашнинг социал 7-хил вертикал табақаланиш ҳолатидан фойдаланиб ўрганишга ҳаракат қилинган. Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) профессионал, маъмурий-юқори синф қатлами (юқори табақа вакиллари);
- 2) ўрта даражадаги техник мутахассислар;
- 3) коммерсиявий синф табақалари (савдо карчалонлари);
- 4) майда буржуазия синфи (ўрта мулкдорлар табақаси);

5) раҳбарлик функцияларини бажарувчи техниклар, ишчилар (рабочийлар) – яъни воситачи раҳбарлар – ўрта тоифадаги раҳбар ходимлар;

6) малакали ишчилар, яъни ҳақиқий моддий бойлик яратувчи малакали мутахассис меҳнаткашлар;

7) малакасиз, мутахассис ёки мутахассис бўлмаган ишчилар, меҳнаткашлардир.

Юқорида келтирилган аниқ даражада аҳолининг социал стартификация тури – қатламини аниқланишига имкон беради. Аммо ушбу юқорида номлари келтирилган аҳоли қатлами ҳам аниқ чегарага эга бўлмасдан, улар ҳам ўзларининг жамиятдаги социал мавқеи, иқтисодий, сиёсий ўрни ва ролини аниқлашда қийинчиликларни юзага келтиради, яъни уларнинг – профессияси малакалилиги; моддий даромати; маълумотлилиги, турар жой-яшаши, турмуш тарзи билан фарқ қилганлиги сабабли мавқеи, ўрни, роли ўзгариб туради ва шакли, гуруҳи аниқлашда ноаниқликни вужудга келтиради.

Стартификация тизими (система) типлари (турлари)ни куйидагича изоҳлаш мумкин. (Бу услубдан Фарбада, асосан Россияда кенг фойдаланади).

Т.р.	Тизим типлари (турлари)	Дифференциялаш асослари	Детерминацияли услубий фарқлари
1.	Физика-генетик тури	Жинси, ёши, физик маълумотлилиги, жисмоний ҳолати	Физик-жисмоний мажбурий одатлари, ҳолати
2.	Кулдорчилик	Фуқаролик, мулкдорлик ҳуқуқи, сиёсий мавқеи	Ҳарбий мажбурлаш, вахшийлик ҳуқуқи – зўрлик, хўрлик
3.	Кастова-кастачилик – табақа, тоифа	Диний ва этник асосида меҳнат тақсимооти	Диний ритуаллар этник кабиққа уланиш (этническая замкнутость)
4.	Сословная – табақа-ижтимоийлашув	Давлат олдидаги мажбурияти	Ҳуқуқий жиҳатдан расмийлашиш
5.	Этакратичность (ўтrockлашув – туп аҳолилик жараёни)	Хукмдорлик, иерархик даражаси (ранги ва властной иерархии) ирқи	Ҳарбий-сиёсий хукмронлик даражаси, бўйсинишлик
6.	Социал-профессиональник-социал-мутахассис малакалилиги	Машғулот тури ва малакавий маҳоратлилик - мутахассислик	Маълумотлилик – сертификатлар (маълумотлилиги)
7.	Синфийлик	Даромад миқдори ва мулкдорлилиги жамиятдаги ўрни	Бозор муносабатлар (бозор олмашуви)

8.	Маданий-маънавий ҳолати (культурно-символик)	Билим, илм даражаси	Диний, дунёвий ва мафкуравий
9.	Маданий-норматив	Ахлоқ-хулқ нормалари, турмуш тарзларир	Ахлоқий жиловлаш ва яхшиларга ўхшашга интилиш (моральное регулирование, подражание)

Ушбу стратификация тизим типлари алоҳида бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки бир-бирини тўлдириш ва ўзаро боғланиб, мутаносиблашиб кетиши билан турмушда, социал-жамиятда намоён бўладаи. Ушбу услуб бевосита Ғарбда ва Россияда қўлланилади ва социал стратификацион тизимни аниқлашда кенг фойдаланишга ҳаракат қиладилар ва ҳаракат қилмоқдалар.

Социал стратификация тизимини аниқлашда унинг назарий, илмий ва амалий жиҳатларини ўрганиб, таҳлил қилишда, қадимдан амал қилиши жараёнлари қадимий Шарқда ва Турони заминда ҳам Шарқона услубда ва оригинал формада фойдаланиб келганлар, ҳозирги кунда ҳам ижтимоий жамият страталари – элементларини аниқ таҳлил қилиб келинган ва келинмоқда.

Азалдан жамиятда жамият аъзоларини, инсонларни турли тоифали табақаларга ажратилиб, бўлинган ҳолда таҳлил қилиниб келинган. Жумладан, яқин Шарқда, Миср ва Вовилонияда зодагон ва кулларга Афина ва Римда фуқаро ва плебей, патрицейларга, Ҳиндистонда эса брахман ва хизматкорларга (4-та табақага) ажратилиб келинган ва амалда қўлланилиб ўрганилган, амал қилинганлиги фанда маълум.

Турони заминда эса аҳолини тоифа, табақаларга бўлиниши қадимдан маълум бўлиб, улар қуйидагича амал қилинган.

- 1) эл-элат, уруғ-қабилавий этник келиб чиқишидан;
- 2) касбий мансублиги, ҳунар-ҳунармандчилик ҳолатига мувофиқлиги;
- 3) диний-эътиқодий қарашлари ва қайси динга мансублигига мувофиқлигига;
- 4) шажаравий – авлод – аждодларига мансублик каби сулолавий келиб чиқишига қараб, эътиборга олиниб гуруҳ, тоифа ва табақаларга бўлиниб келинганлигига, мулкый мавқеига қараб – бой, камбағал, батрак ва тўпор, мардикор каби ҳолатларга эътибор берилган.

Маънавий мавқеига қараб аҳоли ўртасида – саид, эшон, хўжа, имом, мулла, мақсим ва домла каби гуруҳларга ажратилган ҳолда муносабатда бўлинган.

Турони заминда аҳоли қатламини ижтимоий турмушнинг табиий-объектив картинасини жамиятдаги ҳолатга мувофиқ социал гуруҳларга ажратилиб келинган ва бошқарилган.

Жамият таракқиётининг бу хилда шарқона бошқарилишини тарих тажрибаси, унинг объектив ҳолатда мавжудлигини кўрсатмоқдаки, инсонларни (шахсларни) бу тартибда гуруҳлаш, ижтимоий қатлам-табақа ва тоифа сифатида социал гуруҳ-гуруҳларга – страталарга ажратиб ижтимоий-сиёсий мавқеи, ўрнини тўғри қилиб белгилаш, шу асосда бу социал гуруҳ страталарга муносабатда бўлиш ҳолати жамиятни социал-сиёсий жиҳатдан самарали бошқариш имконини берган ва асрлар оша ана шу социал тартиб Турони заминда мавжуд бўлиб келган, умумдавлат миқёсида улар билан ана шу тизимда социал-сиёсий мурасовий концепциясини такомиллаштирилиб, социал зиддиётларнинг олди олиниб, кескин социал-сиёсий муаммолар ҳал қилиниб келинган.

Жамиятда мавжуд бу социал тизим вақт ўтиши билан асрлар оша тобора такомиллаша боради, жамиятдаги жиддий, маънавий, моддий ўзгаришлар, жамиятнинг цивилизациялашуви жараёни бу социал гуруҳлар-страталар ҳаётига ҳам жиддий таъсир этиб, анъанавий (аввалги) тизим тартиботларига ижтимоий гуруҳлар, синфларнинг абадий турғунлик тушунчаларига кескин зарба берилади, аҳолининг ўзгармас қатламлари ҳақидаги тушунчаларга аста-секин барҳам берилиб борилади.

Табақа, қатлам, синфларнинг жамиятдаги анъанавий фарқлари узок йиллар ўтиши оқибатида, тобора емирила боради, социал гуруҳлар – страталарнинг ижтимоий гуруҳланиш тенденцияси юзага келаберади ва шакллана боради, янгича қатлам, синфлар тобора вужудга келиб, синфлар уюшқонлиги пайдо бўлиб, ўз навбатида жамиятни бошқариш тизимларини шакллантириш зарурияти вужудга келабошлайди ва бу эҳтиёж кўп ҳолатларда сиёсий ва жамиятни социал бошқаришдан тез ривожлана бориши ҳолатлари юз бера бошлаб янгича шаклланган аҳоли қатлами – синфлар талабига жамиятни сиёсий бошқариш тизими кўп ҳолатларда жавоб бера олмай қолиш ҳолатлари юз берган жойлар – худуд, мамлакат-давлатларда жамиятни янгича бошқаришга мослашаолмай турли хил социал портлашларга олиб келади ва олиб келган. Бунга жаҳонда кўплаб мисоллар келтириш, социал ўзгаришлар ижтимоий-сиёсий бошқариш тизимлари ўзгарганлиги ҳақидаги воқеаларни, ҳатто ҳозирги кунда ҳам (жумладан, Қирғизистон, Украина ва бошқалар) мавжудлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Жамиятда юз бераётган бундай социал-синфий ўзгаришлар қадимда ҳам ва ҳозирги замонда юз бериб социал-сиёсий бошқаришни демократлаштириш эҳтиёжи заруриятини вужудга келтирган ва ҳозирги замонда ҳам бу масала объектив долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Чунки жамиятда шаклланиб, катта ижтимоий-сиёсий кучга айланаборадиган социал гуруҳ-страталар талаби доимо бошқаришга нисбатан илгарилаб кетади ва жамиятни янгича социал-сиёсий бошқариш эҳтиёжини вужудга келтириб бошқаришни янгилаш заруриятини объекти муаммо қилиб кўяди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш зарурки, жамиятни синфларга бўлиб, улар ўртасидаги карама-қаршиликлар асосида синфий курашлар мавжудлиги сабабли бу синфий курашларнинг олдини олиш, синфий муаммоларни ҳал қилиш жамиятни сиёсий бошқаришнинг асосий вазифаси, - деб

қараганлар. Бу муносабат эса умумий тарзда синфлар мақсад ва манфаатлари ҳисобга олиниб, ана шу синфлар таркибидаги ижтимоий-социал гуруҳларнинг-страталарнинг мақсад-манфаатларига эътибор берилмаган. Жамиятдаги умумий ёндашилиб бир синф вакиллари билан иккинчи синф вакиллари қарашларидаги тафовут-фарқларни умумий тарзда аниқлаш масаласи ижтимоий фанларнинг, шу жумладан социология фанининг ҳам вазифаси бўлиб, ижтимоий муаммоларга бир томонлама ёндашиб келинган. Жумладан, жамиятда аҳолининг ижтимоий тузилишини умумий тарзда Ғарбда ва собиқ Совет тузуми даврида урта: ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар, (Ғарбда капитализм шароитида буржуазия, майда буржуазия) каби синфларга бўлиб, уларни ажратиб социал муаммоларини умумий синфий муаммолар тарзида ўрганилиб, умумий тарзда бу социал муаммоларини ҳал қилинишга ҳаракат қилиниб келинган. Ваҳоланки, ишчилар синфи таркибида манфаатлари, турмуши, касби, хунари, мавқеи, машғулот тури бир-бирига тўғри келмаган қанчадан-қанча социал гуруҳлар мавжуд бўлиб, уларнинг ўзаро манфаатлари ҳам турличадир, иш, меҳнат шароитлари, меҳнат тақсимотлари ҳам турличадир. Ана шундай ижтимоий ҳолатнинг турли хиллиги деҳқонлар синфига ҳам, зиёлиларга ҳатто буржуазия деб аталгувчи синфларга ҳам таалуклидир. Бу синфлардаги турли хил майда-майда бир-биридан фарқ қилинадиган социал гуруҳлар борки, уларнинг ҳам ўзига яраша социал муаммолари мавжуддир, бу социал гуруҳлар эса жамият аҳоли таркибининг асосий қисмини ташкил этиб, уларни социология фанида социал-страталар – социал гуруҳлар деб аталади. Уларнинг жамиятдаги мавқеини, ролини, ўрнини ва истак, мақсад ва манфаатларини юз берган, берадиган социал муаммоларини социал стратификация йўналиши ўрганади. Социал стратификация деб ўрганиладиган жамиятнинг стратификацион социал йўналишларини социология фанида – иккита катта социал йўналиш асосида ўрганилади.

Биринчиси – моддий йўналиш, бунда жамиятда моддий ноз-неъматлар, озиқ-овқат, кийим-кечак махсулотлари, умуман инсон учун, инсон яшаши учун зарур бўлган эҳтиёжларини қондирадиган иқтисодий талаблар амалга оширилиб, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш муносабатлари асосий рол ўйнаб, унда меҳнат, меҳнат тақсимотлари жараёнлари асосини ташкил этиб социал муаммовий йўналишларни ташкил этади.

Иккинчидан эса – жамиятнинг социал маънавий йўналишини ташкил этади. Унда жамият аҳлининг ақл заковати, онг, тафаккури, маънавий маданияти шаклланади, маънавий меҳнат ва унинг натижалари, инсон билими, илми, тарбияланганлиги, таълими, моддий турмуши асосий аҳамиятга эга бўлади.

Моддий социал йўналишининг объекти бу ишлаб чиқариш корхоналар, муассасалар, қишлоқ хўжалиги унинг турли хил соҳалари, саноат ишлаб чиқариши унинг турли хил тармоқлари асосий объект ҳисобланиб, бу йўналишда ҳам инсонлар (шахслар) мавқеи, ўрни, роли, табақа, тоифа каби, яъни бой, бадавлат, мансабдор, камбағал, йўқсил,

қашшоқ ва ўғри, порахўр, зўровон, таланчи, фирибгар ва ҳ.к. каби социал гуруҳлар – страталари мавжуддир. Маънавий-маданий социал йўналишда ҳам унинг объекти-таълим-тарбия тизими, илму-фан, маданий масканлари ҳисобланиб, бу йўналишда ҳам турли хил аҳоли қатламлари-табақа, тоифалари – бой, камбағал, мансабдор, мансабга интилиш, маънавий бой зиёли, маънавийтсиз зиёли, салоҳиятли интеллигент, саводли, саводсиз, маънавий қашшоқ, манхурт шахс каби социал гуруҳлар – страталар мавжудлиги табиийдир.

Жамиятнинг ана шундай мураккаб тарзда ижтимоий тузилишини мукамал ўрганиш, муаммолар сабаблари, ҳал қилиш йўллари аниқ билиш, аниқлаш, ҳар бир социал гуруҳнинг истак-мақсадлари, манфаатлари, эҳтиёжлари, талабаларини, уларнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, ролини аҳамиятини аниқлаб, тўғри муносабатларни белгилаш бевосита жамиятда юз берадиган социал қарама-қарашликларни, зиддиётларни, баратараф этишда катта аҳамиятга эгадир, бу эса жамиятни сиёсий бошқаришни осонлаштиради. Ушбу соҳани ўрганиш фақат социология фани ва унинг энг муҳим йўналишларидан бири – социал стратификация йўналиши ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, яъни ижтимоий жамият тараққиёти жараёнида юз берадиган тоталитар тизими ҳукмронлик қилган шароитда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт фақат умумий тарзда синфлараро кураш асосий ва бош сабаби, - деб қаралган ва хулоса чиқарилиб жамиятдаги бошқа юқорида таъкидланган социал гуруҳлар эътиборга олинмаган, гуруҳдаги муаммоларга ҳам социал гуруҳлар-страталар манфаатлари асосида эмас синфлараро манфаатлари нуқтаи-назаридан қараб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга нотўғри ҳаракат қилиниб келинган, социология фанида социал стратификация тамойиллари бузилиб келинган. Шу сабабли жамият тараққиётини синфлараро қарама-қарши ва зиддиётлар асосида эмас, социал гуруҳлараро, улар манфаатларига мувофиқ ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу биринчидан. Иккинчидан эса жамият тараққиётида, ижтимоий тараққиётни идрок этишда индуктив ёндашувларни мутлоқлаштиришдан иборат бўлиб, бу индуктив метод эса у ҳам, хусуснинг (яккалик, яъни страталар) умумга (умумийликка мансублиги) мувофиқлаштирилиб, ижтимоий тараққиётнинг асосида бош сабабчи ҳам умум (умумийлик)нинг тўла намоён бўлиши асосида хулоса қилиш ғоясига амал қилиш жамиятда ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг мавжуд объективлиги қандай бўлишидан қатъий назар умумга (умумийликка) амал қилиш муқаррар деган нотўғри ғоявий тамойилларга амал қилинган. Натижада ижтимоий жамият тараққиётида табиий социал муҳитни тан олинмаслик ҳаракатлар ўтмишда жамиятга катта зарар келтирилган. Бу индуктив метод ҳам нафақат социал гуруҳлар-страталарнинг, балки жамиятда аҳолининг этник хусусиятлари ҳам, табиий, ижтимоий муҳитнинг ҳам устуворлиги тан олинмасдан умумийликка риоя қилишликдан иборат бўлиб, объектив борлиқнинг социал тамойиллари қўпол равишда бузилиб, жамиятда миллионлаб кишиларнинг манфаатларига зарар келтирган, хатто миллионлаб кишилар ёстиғини

қуритган. Ҳозирги замонда ҳам қисман бўлсада ушбу ҳолат такрорланиб турмоқда.

Ҳозирги даврда ушбу индуктив методнинг, яъни хусуснинг (яккалик, индивид, социал гуруҳлар....) умумга (умумийлик) амал қилиш ҳолатлари ижтимоий жамиятда ҳозирги кунда ҳам экологик муҳитнинг бузилишининг глобаллашуви ичимлик сувларнинг, атмосферанинг, ҳаво таркибининг бузилишлик ҳолатлари, заҳарланишнинг тобора ўсиши, кўпайиши жараёнлари, инсон умрининг ўртача нормалари камая бориши, Оролнинг қуриб бориши, Сибирь ўрмонларининг сув остида қолиши (электр станция қурилганлиги сабабли), пахта якка хокимлиги, хатто регионал сиёсий жанжаллар, зўравонлик диний экстремистик ҳаракатлар ва бошқалар салбий оқибатли ҳолатларнинг такрорланиб туришига сабаб бўлмоқда.

Индуктив методга амал қилишнинг уни мутлоқлаштиришнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий зарарлари ҳам чексиз эканлигини нафақат ҳозирги даврнинг амалий натижалари, балки қадимги Шарқ, Ғарб, Марказий Осиё мутафаккирлари ҳам ўз эътиборларини қаратиб, асосан инсон онги, тафаккури ва ўз-ўзини англашдаги келтириладиган катта зарарлари ҳақида “Авесто”да, Зардушт, Хитойлик Лао Цзин, Конфуций (“Ўн уч китоб”, Ислом дунёсининг буюк алломаси Имом ал-Бухорий, Марказий Осиёлик Имом Мотрудий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Қадимги Рим-Юнонистон мутафаккирлари (Платон (Афлотун), Арасту (Аристотель), Цицирон ва бошқалар ўз асарларида хусусни эътиборсиз қолдириб, умумни мутлоқлаштириш зарарли оқибатларига олиб келишини исботлаб берганлар. Ҳатто ўтмишда умумнинг мутлоқлаштирилишига қарши унинг зарарли оқибатлари ҳақида очиқ чиқишлар бўлган. Жумладан, умумнинг чегарасиз устунлигини таъминлаб, уни мутлоқлаштиришга қарама-қарши, табиий-ижтимоий қарашлар, яъни хусуснинг умумга мувофиқлиги, хусусни тан олиб унга амал қилиш ғоясини кўтариб чиққанлардан, йирик ислом дунёсига машҳур олим – Мансур Халлож (“...мен ... худоман – минал-ҳақ шиори), йирик давлат арбоби олим Умар Хайём, Мирзо Улуғбек (“Динлар тумандек тарқаб кетади, подшоликлар емирилади, аммо олимлар иши абадий қолади” – фикри). Ғарбда Жардана Бруно, Галилея Галилей, Коперник, Шарқда Конфуций ва ҳ.к.ларнинг тарихий жасоратлари жаҳонда маълумдир. Улар жамият тараққиётида умумни мутлоқлаштиришга қарши ижтимоий-табиий муҳитга асосланиши, жамиятдаги хусусларни, индивудларни алоҳида-алоҳида ўрганишни, улар орқали умумга мувофиқ муносабатда бўлишликни, миллийлик ва умуммиллийлик тамойилига риоя қилишни, социология асосида хулоса қилинадиган бўлса, социал гуруҳларга-страталарга, улар манфаатларига мувофиқ муаммоларни ҳал қилишни таъкидлашдан иборатдир.

Умуман ижтимоий-табиий социал муҳитга асосланиб социал стратификацион тамойили талаблари асосида ўрганиш социологияда муҳим аҳамиятга эгадир, яъни хусус билан умумнинг мутаносиблаштириб, бараварлаштириш асосида (яъни яккадан (хусусдан) умум келиб чиқиш

ғоясига амал қилиш), ўрганиш ғояси, ижтимоий воқеликда қатор объектив ижтимоий-назарий йўналишларнинг юзага келишига сабаб бўлади ва бўлмоқда. Жумладан, “Ҳақнинг ҳамма жойда (жаҳонда) зоҳирлиги, “ҳақ”нинг ҳар бир “хусус”да – шахсда, инсонда мавжудлиги, мужассамлиги, “ҳақ” билан “хусус”нинг узвий мутаносиб уйғунлиги, боқийлик ва ҳ.к. ғоясининг мавжудлигида мавҳумлиги, унинг устуворлигига асос бўладиган турли хил илмий-назарий қарашлар шулар жумласидандир. Ёки халқ, миллат, эл-элат тушунчаларининг асосида хусус, индивуд, инсон, шахс бўлиб, умум элатни, халқни, миллатни ташкил этади ва ҳ.к.

Шунинг учун ижтимоий ҳаётда “хусус”, “яккалик”, “алоҳидалик”нинг умумга айнанлиги ундан фалсафий жиҳатдан фақат ҳажм ва шаклда кичиклиги (“хусус”-бирлик, “умум” эса кўпликни билдиради) ва яширинлиги (ботинийлиги) нуқтаи-назаридан қаралганда жамиятда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳаётда кутилмаган ижтимоий, маънавий, ҳатто сиёсий оқибатларни юзага келтирилиши мумкин, бундай ҳолатлар жамиятда мавжуд бўлмоқда ва бундай воқеалар юзага келмоқда.

Шу сабабли ҳамма вахт умумда, хусус, якка-алоҳидаликни – страталарнинг хусусиятларини, моҳияти ва аҳамияти, роли ва ўрнини ҳисобга олиш хусус эса умумга мувофиқликка риоя қилиш зарурлигини таққоза этади. Ана шундагина ҳар қандай инқирозли вазият юмшоқ ҳал бўлади.

Жамиятни социал жиҳатдан объектив англашда тажриба тарзида ўрганилган бундай ёндошувлар ўртасидаги фарқ ва тафовутларни, ҳар бир “хусус” га хос бетакрорлик ва уникалик жиҳатларини истисно этилишига олиб келадиган бўлса, иккинчи томондан, “умум” олдида “хусус”нинг арзимаслигини, беқарорлигини юзага келтиргандай бўлади. Унга йўл қўймаслик керак.

Тоталитар тузум ҳукумронлиги даврида табиатнинг ноёб истеъдодлари “умум” ҳукмронлигига айлантирилиб “хусус”лар – талантли, қобилиятли шахслар оёқ ости қилинганлиги, ҳаммани “тенг”, “бараварлаштирилиб”, “текисчилик” шиорини асосий шиор сифатида амал қилиниб, инсонларни “жамиятнинг винтиклари”га айлантирилиб, уларни истаган пайтида иккинчи “винтик” ка алмаштириш мумкинлиги сиёсатини кенг кўламда қўлланилиб келинди.

Одатда ижтимоий адолатлиликни қарор топтириш тарихи инсоният томонидан ўз-ўзини англаш, билиш жараёнлари шакллана бориши билан боғлиқ бўлиб, тобора у такомиллашиб боришини кўплаб қадимий манбаълар, китобларда учратиш мумкин. Бу ҳақда “Овесто”да аҳолининг барча қатламлари, қавмлари ва гуруҳлари учун умумий турмуш тарзи қоидалари, нормалари, одатий тартиблари тасниф этилади. Бу ҳолатлар ҳамма учун “умумий” бўлиб, уни “хусус”лар ташкил этади. Ундан ташқари бундай “умумий” лик Антик дунё қонуншунослари томонидан, жумладан, Салон томонидан яратилган илк қонун-қоидалари мажмуида ҳам бу ҳақда фикр юритилиб, турли хил ижтимоий гуруҳлар ўртасида “хусус”ни инобатга олиб “умум” тартиб қоидалар асосида тотувлик ва муросамадора меёрларидан ўринли фойдаланиш қатъий қилиб қўйилган.



Жамиятда инсонларнинг ўз-ўзини англаш жараёнларининг муҳимлигини ва унда “хусус” билан “умум”нинг мутаносиблиги заруриятини ўрта асрлик бир қатор мутафаккирлар, шу жамладан Рене Декарт катта эътибор берган. У моҳиятга ҳар бир индивуд ўз мақсадига мувофиқ алоҳида-алоҳида интилади ва ҳар ким ҳар хил шароитда унга эришишга ҳаракат қилади ва эришади ҳам деб ҳисоблайди. Ҳақиқат гарчи “умумий” бўлсада, унга янги интилишлар орқали кутилган натижани олиш ва уни ялпи англаш имкони йўқлигини таъкидлайди.

Ҳар ким, ҳар хил гуруҳ (страта) ҳақиқат моҳиятига турлича даражада яқинлашади. Декартнинг алоҳида ўқтиришига кўра “ҳақиқатни бутун халқдан кўра алоҳида инсонлар тезроқ эришади ва ўзлаштиради” ва бу англаган ҳақиқатни бошқаларга етказадилар, шахсларнинг жамоадан фарқлари ҳам ана шунда намоён бўлишини таъкидлайди.

Жамиятни стратификацион тасниф этишга муҳоллиф (қарши) кучлардан бири сифатида маълум бўлган Покистон, Бангладеш, Ҳиндистонда амал қилаётган А.А. Мавлудий асос солган “Жамияти Исломия” уюшмаси аҳолининг ирқий, миллий ва тиллари борасидаги тенглигини эътироф этган ҳолда, улар таркибида синфлар, ижтимоий қатламлар, ижтимоий гуруҳлар мавжудлигини инкор этади.

А.А.Мавлудий тарафдорлари ҳар қандай демографик, ижтимоий интеллектуал ва ҳиссий бўлинишлар сунъий моҳиятга эга бўлиб, исломий яқдилликка эришиш йўлида уларни эътиборга олмаслик лозимлигини ўқтирадилар.

Ижтимоий таснифлар, гуруҳ қатлам, табақа ва тоифалар – страталарни тан олмаслик бир қатор бошқа диний оқимлар ва ҳаракатлар фаолиятида, жумладан “Хезбу таҳрири Исломия”, Ваҳобийя”, “Нур”, “Акромия”, “Товба” ва бошқа бир қатор диний оқим тарафдорлари фаолиятида яққол намоён бўлмоқдалар. Уларнинг назарида динга садоқат, исломий эътиқод даражалари мусулмонларни ўзаро фарқлантириб тургувчи омил ҳисобланиб, фақат эътиқодий жиҳатдан страталарга ажратиш муҳим ва асосий ҳисобланиб маънавий мезон вазифасини бажарадилар, - деб ҳисоблайдилар.

Умуман олганда стратификацион таснифларни ўрганганда оламни яхлит бир бутунлик тарзида тассавур этиш, яъни – “оламий уйғунлик” (“Оламий мутаносиблик”) назариясига монандлик бир-бирига боғлиқлик жиҳатларини ҳам эътиборга олиб ўрганилса, бу объектив ҳақиқат бўлиб мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

“Оламий уйғунлик” (“Оламий мутаносиблик”) назарияси тарафдорлари бўлган ўтмишдаги бир қатор алломалар ўзларининг аниқ ва яққол фикр-мулоҳазаларини билдириб кетганлар. Жумладан, антик олимлардан Гераклит бу ҳақда куйидаги фикрни билдириб кетган. Унинг фикрича “Оламий уйғунлик”нинг асосини (яъни оламнинг асосини) сонлар эмас, балки – моддий буюмлар ва уларнинг ягона субстанциясидан пайдо бўладиган, қарама-қаршилиқлар курашида ўзаро бир-бирига ўтадиган сифатларнинг боғлиқлиги ташкил этади, - деб объектив борлиқни таққоза этади.

Платон (Афлотун) эса – “олабий уйғунлик”, “олабий жон” олабий рухлантириб, ўзи (“Олам”) жоннинг сонли нисбатларга гармоник тартибга бўйсинади, - деб ҳисоблаб, бу ғояни янада аниқроқлаштириб, стратификацион тасниф (яъни жамият таркибини – А.Ш.) жамиятда уч ёқлама таркибда бир-бирига боғлиқликда амал қилади ва ўзгармайди, - деган ғояни илгари суриб, уни қуйидагича асослайди.

Яъни, **биринчидан** – бу ғоя нарсаларни моддийлашган ҳолда намоён бўлиши; **иккинчидан** – эса нарсаларнинг ўзи ҳам муайян ғояни доимий тарзда таққоза этиб туради (яъни, яратиб, вужудга келтириб туради, - дейди);

**Учунчидан** – ниҳоят ғоянинг ўзи мустақил равишда амал қилади, - деган “олабий уйғунлик” назариясига ўз фикрини беради.

Платон ана шу ғояси асосида жамият таркибидан амалий жиҳатдан йирик учта гуруҳга: 1) файласувлар, элита вакиллари (давлат ва жамият бошқарувида хизмат қилувчи ва асосий ўринини эгалловчилар);

2) харбийлар (жамиятда қудратли кучлар);

3) куллар (яъни, жамиятда ҳеч қандай ҳуқуқга эга бўлмаганлар).

Платон илгари сурган ушбу ғоявий нуқтаи-назарига мувофиқ стратификацион тасниф азалдан муқаррар нарса (“борлик”) бўлиб, унинг чигал (қийин) тамойиллари жамиятда юз берадиган ижтимоий вазиятларга кўра ўзгариб боради, - деган ғояни илгари суради.

Аристотель (Арасту) “Олабий уйғунлик” назариясига нисбатан ўзининг Платонга нисбатан фарқ қиладиган фикрларини илгари суради. Унинг фикрича жамиятдаги тартибсизликлардан вужудга келган “Олабий уйғунлик” у “жон”даги манба (яъни Оллоҳнинг инсонга ато этган – жони” эмас, балки, фақат нарсалар (моддийлик – А.Ш.) табиатидаги манбаълар, - деб ўзига хос ғоясини илгари суради.

Алоҳида шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Антик дунё ва ўрта асрлар жараёнида фаолият кўрсатиб кетган алломалар нуқтаи-назаридан келиб чиққан, юқорида таъкидланиб ўтилган ғоявий фикрларидан хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, яъни жамиятдаги кишилараро боғлиқлик ва ўзаро алоқадорликни ифодаловчи стратификацион таснифлар – бир томондан илоҳий мукамалликнинг (“Оллоҳнинг”) инъикоси сифатида намоён бўлса (“Оллоҳ иродасига боғланса – А.Ш.) иккинчи томондан эса ўзида объектив борлиқнинг (табиат ва жамиятнинг – А.Ш.) хосларини ифодалайди, намоён этади. Бу хослар бевосита объектив, реал борлиқни бевосита илоҳият (оллоҳ иродаси – А.Ш.) қонунлари ўртасида (илоҳият табиат жамият қонунлари - А.Ш.) боғлиқлигидан иборат бўлиб, ундаги зиддиятлар, симметрик, ритм жараёнлари, тадрижийлик, яхлитлик, бирлик тузим ва тизилмалари каби тушунчалар фаолиятида ўз аксини топади ва жамиятда намоён бўлади.

Стратификацион ҳодисаларга объектив идеализм (борлиққа илоҳий тус бериш – А.Ш.) нуқтаи назаридан ёндошган йирик файласуф олим Гегель – табиат ва жамиятда рўй берадиган барча ҳодиса ва воқеалар, жараёнлар умуман ҳаракатнинг ҳар қандай кўриниши “умум”дан “хусус”га томон, мавҳумликдан аниқликка қараб йўналишини қайд этади. Унинг

мазмунни эса ижтимоий табақаланиш жараёнларининг дастлабки нуқтаси, ибтидоси абсолют ғояга (абсалит рухга – оллоҳга), яратганнинг иродасига боғлиқлигини ифода этиб жамиятдаги страталарни ва уларнинг “хусусий”ликдан “умумийлик”ка ва улар моҳияти “умумийлик” билан боғлиқликда намоён бўлишини рад этишдир.

Ғарбий Европалик яна бир социолог олим Макс Вебер “умумийлик” ва хусус” борасида ўзига хос идеяни илгари суради. Унинг фикрича жамиятдаги барча эмпирик амалий нарсаларни тартибга солишнинг қулай усули бўлган идеал типлар, яъни ҳамма, ҳамма нарсаларни муайян гавдалантираоладиган воситалар копцепциясини илгари сўради. Унинг нуқтаи-назаридан олиб қаралса феодализм, капитализм ёки қулдорлик жамият тузилмалари жамиятда тарихан шаклланган формациялар сифатида эмас, балки аҳоли турли табақалари ўртасидаги муносабатларнинг идеал мувофиқлашуви, қатъийлашган уйғунлашуви тарзида талқин этилиб жамиятдаги мавжуд барча табақа ва гуруҳлардан иборат ранг-баранг страталар таснифи ҳам ана шу идеал мувофиқлашув ва қатъийлашганлик моҳиятидан келиб чиққан ва амалга оширилган, - деб илмий таҳлил натижаларига асосланади.

Макс Вебер стратификацион жараёнлар моҳиятини очишда рационалистик асосида ёндашади ва рационалистик омилнинг муҳимлигига алоҳида аҳамият беради.

Макс Вебер фикрича рационализм Европа халқлари табиатига хос бўлиб, бу омилни ижтимоий воқеликнинг барча соҳаларига жорий этиш зарур, деб ҳисоблайди. Уни амалда қўллаш учун қуйидаги принципни жорий этишни таклиф этади. Иқтисодиётда – дейди у, - икки ёқлама ҳисоб-китобни амалга ошириш тизимига ўтиш, ахлоқ борасида эса – тўғри ва тенг муносабатларга амал қилишга, эришишни, сиёсатда – парламентаризмга амал қилиб, расмий ҳуқуқ ва маъмурий бошқарув институтларини жорий этиш зарурлигини, мусиқа соҳасида эса – Европага хос ноталар тизимини ва унга мос техник (чолғу асбоблари) воситаларини уйғунлашув меъёрларига ўтиш ғоясини тарғиб этади. У ҳамма соҳага умумпланетар ахлоқ ва турмуш тарзи фақат Европа халқларигагина хос деб ҳисоблаб, бу соҳада у миллийликда алоҳидаликни (яъни европачалик тизимни) иқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ ва бошқарувда, ахлоқда умумийликни улуғлаб дуализм – икки томонламалик позициясига амал қилади. Шу сабабли Макс Вебер ҳамма нарсаларнинг жамиятда яққаликдан умумийнинг (“хусус”дан “Умумнинг”) келиб чиқишдек умумий қонуниятни унутади.

Социал стратификациянинг яна бир энг муҳим ва асосий тушунчалари сифатида намоён бўладиган соҳаси, у ҳам бўлса жамият социал – яъни ижтимоий таркиби, унинг ижтимоий гуруҳлари ва уларнинг табақаланиш белгилари (бой, камбағал, қашшоқ, лимфан – пролетар, батрак, мардикор, тўпар, капиталист, буржуй ва касби-хунари, билими, мавқеи, ихтисоси ва ҳ.к.) тизими ҳисобланади. Бу соҳага юқорида таъкидланиб ўтилганимиздек, икки хил ёндошув ҳозирги замон социологлари қарашида мавжуд, яъни социал стратификацион назарияга

мувофиқ жамиятдаги ижтимоий гуруҳларнинг (ҳамма турдаги меҳнаткашлар) ишлаб чиқаришдаги иштироки, жамиятнинг мулкка бўлган муносабатлари асосида табақалашуви жараёни хусусида марксистик ва номарксистик (яъни марксистик ва унга қарши қарашлар) ёндашувлар мавжуддир. Марксистик қарашлар жамиятнинг мулкӣй табақалашувини синфӣй нуқтаи назардан таҳлил этса, ҳозирги замондаги кўплаб социологлар уларнинг-марксистларнинг синфӣй қарашларини рад этиб, жамият табақаланишини жамиятнинг ижтимоий гуруҳлар табақаланишини маълумоти, руҳияти, маиший шарт-шароитлари (мулкӣй ҳолати), бандлик даражаси, даромад кўламлари ва бошқа белгиларга кўра табақаланишини асосӣй деб ҳисобламоқда. Шу билан бир қаторда бу ёндашув тарафдорлари илмӣй жиҳатдан ёндашув деб ҳисоблаб, жамиятда ижтимоий турмуш тарзи, маълумоти, касби ва бошқа ранг-баранг фарқланмаларга, мулкӣй мавқеларига кўра аниқ ажралувчи-табақаланувчи гуруҳлардан ташқари жамият аҳлини яна юқори табақа, ўрта табақа ва қуйи табақаларга бўлинишига ҳам амал қиладилар (бу принцип бевосита синфлашиш жараёнига мувофиқ келишини унутадилар) ва амал қилинаётганлигини таъкидлайдилар.

Албатта бундай ёндашув тор доирада бўлсада, юқорида таъкидланган ижтимоий фарқларнинг ўзига хос якуний натижаси, хосиласи, синтези сифатида намоён бўлаётганлиги объектив ҳолатдир.

Айниқса бундай ҳолат XX-асрда кенг кўламда ривожланган, Ғарбда, асосан АҚШда жамиятнинг ижтимоий табақаланиши жараёнида ўрта табақа концепциясига асосӣй эътиборини қаратиб, бу ўрта табақа концепциясини ўрта синфӣй қараш концепцияси билан уйғунлаштирилиб ўрта синфӣй табақа тенденциясига алоҳида ўзига хос миллий, ирқӣй, интеллектуал ва молиявий тенглик ва барқарорлик меъёри сифатида ўзига хос ижтимоий барометрлик ролига мувофиқ вазифани бажармоқда, деб ҳисоблашмоқда, катта эътибор бериб, муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар. Бу ҳолат бевосита синфӣй табақаланишни эътироф этиш тенденцияси ҳисобланиб ҳақиқатга яқинлашмоқда. Шу боисдан ҳам ўрта синф-табақа ҳиссасининг ортиб бориши жамиятдаги ижтимоий барқарорлик шартӣ сифатида талқин этилмоқда. Чунки ўрта синф вакиллари миқдори (яъни камбағалнинг ўрта ҳоллашуви, ўрта ҳолнинг бойиб бориши ва ҳ.к. – А.Ш.) ошиб бориш тенденцияси ва улардаги мулкнинг ўзгариши – кўчмас мулк ҳажми, банкдаги маблағлари (фоиз асосида кўпайиши ва ҳ.к.) ва банкдаги ва бошқа турли манбаълардан олган дароматлари, фойдалари (ишлаб чиқариш, фермерлик, тижорат, савдосотик, судхўрлик, ҳатто мансабдорлик ва ҳ.к. – А.Ш.) ва шунга ўхшаш бошқа даромадларидан давлатга тўланадиган солиқлари салмоғига кўра ва бу табақа йил сайин аниқланиб борилади ва текшириш, таҳлил этиш натижаларига кўра бу табақанинг синфӣй салмоғи ошиб бормоқда.

Аммо Ғарб ва АҚШ мамлакатлари аҳолиси турмуш тарзининг ўзига хос барометр вазифасини ўтаётган ўрта синф феномени, гарчи ривожланган Европа мамлакатлари учун ижтимоий-иқтисодӣй кадрият даражасига кўтарилиб баҳолансада, бу кадрият ўрта синф вакилларини

(гўё капитализм – халқ капитализмига айланиб бормоқда – деган ғоя – А.Ш.), юқори ва қуйи синф вакиллар билан маънавий яқинлаштирилиш имконини бермади, бермайди ҳам. Чунки бу жараёнда ижтимоий тараққиёт объектив қонунлари – инсонга бўлмаган ( яъни тўғридан-тўғри) объектив вазият, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тизимга мос – субъектив вазиятлар эътиборга олинишини таққоза этади.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий тараққиёт табиий равишда бир томондан шахснинг индивидуаллашув жараёнларини ўзликка уйғунлашув ҳолатларини кучайтириб шахсларнинг яқка тарзда алоҳида фаолият билан машғуллик даражаларини оширса, иккинчи жиҳатдан жамият аъзоларининг мулк, касб, ирқ, миллат, жинс, худуд, майл, мақсадлар, дидлар асосида табақаланишув жараёнларига кучли туртки бериши билан характерланади, Шу боисдан ҳам страталар кўплиги жамиятнинг ўз-ўзини ички бошқаруви махсули ва цивилизация жараёнларнинг табиий ифодаси сифатида намоён бўлади.

Инсоният тарихи тараққиётининг қарийиб беш минг йиллик (инсонларда табақаланиш, синфларга ажралиш) даври ва ўтмиши қанчадан қанча хавф-хатарларни бошидан кечирган ва инсонлар ана шу хавф хатарларда яқка-яқка эмас, умумий жамоа-жамоа бўлиб, умумий тарзда бирлашиб, бу хавф-хатарлардан умумий тарзда бирлашиб қутилганлар, шу сабабли бу давр умум бирлашиб ҳаракат қилиб, умум мақсад йўлида курашиб ҳаракат қилган даврлар тарихи ҳисобланади.

Шу сабабли кенг халқ оммасига қанчалик умумий хавфлар кўпайса, шунчалик бирлашув ижтимоий тус олиб хавфга қарши кучая-кенгая борган.

Қанчалик умумий хавф пасая борган бўлса, кенг халқ оммаси бирлашуви тобора сусая борган, алоҳидалик кучая борган.

Ундан ташқари ижтимоий страталар халқ оммасининг маданий такомиллашганлик белгилари сифатида ҳам ушбу бирлашиш ва алоҳидалик тенденцияси умумий, хусусий тарзда баҳоланиб келинган. Жумладан, аҳолининг касб-ҳунар, касабачилик ҳаракати бунга мисол бўлаолади. Яъни, заргарлик, мисгарлик, чилангарлик, дуппидўзлар, гиламдўзлар, темирчилардир. Улар ҳар қайси алоҳида-алоҳида касб-ҳунар, ҳунармандчилик, ёки касаначилик ҳолатида яқка-яқка ҳолида намоён бўлган бўлса, улар жамоаси кўпчилик ҳолатда умумий бир хил ихтисослик касаначилигига бирлашуви оқибатида дўппидўз – дўппидўзлар, этикчи – этикдўзларга, махси тикувчи – махси дўзларга ва ҳ.к.ларга айланиб, умумийликни, ижтимоий касб-ҳунар страталарни ташкил этганлар, ёки боғбонлар, хаттотлар, меъморлар, қурувчилар ва ҳ.к.лар ҳам шулар жумласидан иборат бўлиб, меҳнат фаолияти орқали меҳнат тақсмотини шакллантириб, нафақат ўзига (яқка) хос иқтисодий-ижтимоий ҳаёт йўлини амалга оширганлар, ихтисослашиш жараёнини вужудга келтирганлар, ўз аждоди, қавми ва авлоди сиру-асрорларини, ҳунари, устачилик касбини, ўзгалар мулкига айланиб кетмаслигига эришганлар, ҳатто комил инсонлик ҳислаблари, улуғлик ҳолатлари, аслзодалик, “юқори” табақаликни сақлаб қолиш, уни авлоддан-авлотга, аждоддан-аждодга ўтказиб, сақлаб қолишга

ҳаракат қилиш ҳам ана шу тарзда ижтимоий жамиятда намоён бўлганлар. Бунга аниқ мисол кенг халқ оммаси ўртасида асрлар оша сақланиб келаётган “Сайид”, “Эшон”, “Хўжа” каби аҳоли қатлами, ёки “лўли”, “мўлтани”, “қора”, “сарик”, “оқ-қора” ва ҳ.к. каби атамалар (ижтимоий белгилар) жамиятда ўзига хос страталар гуруҳини ташкил этганлар ва ҳозирги даврда ҳам ана шундай муносабат ва қарашлар мавжуддир.

Шунинг учун ижтимоий страталарни ўрганиш ҳалқимиз таркибидаги ранг-барангликни ўрганиш ва аниқлашни осонлаштиради ва жамиятни ижтимоий бошқаришни енгиллаштиради, ижтимоий зиддиёт ва инкирозлар олдини олишга табиий имконият яратади. Аждодларимизнинг ижтимоий таркибини аниқлашга ёрдам беради, аждодлар тарихини ёзишни адат тусига киритишга олиб келади. Бу ҳолат ҳатто ўтмишда ҳам мавжуд бўлган. Масалан, сайидлар, эшон-хўжалар, подшоҳлар авлодлари бевосита шажараларини ёзиб қолдиришга одатланганлар, аммо аҳолининг кенг қатламида эса бу ҳолат одат тусига кирмаган. Бу жараён ижтимоий ахлоқ нормаларини ҳам авлод-авлодлардан ўтишга, яхши инсоний ҳислатларни келажак авлодларига намуна бўлишига, таълим-тарбиясини яхшилашга сабаб бўлиб, халқ урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, маънавий-маданий меросларининг яхши намунавий ҳислатларини авлоддан-авлодга сақлаб келганлар, яхши ҳислатларга кенг йўл берилиб, ёмон ҳислатларга барҳам берилишига олиб келганлар. Шу сабабли ҳурматли Президентимиз ибораси билан айтилса ота-боболар ўгити, ота намунаси, она сути билан инсонга, инсонларга сингдирилиб келинган. Ана шундан тараққиётни Турони-Замин, шу жумладан ўзбек халқи ўз бошидан кечириб ижтимоий тараққиёт тарихини яратганлар, ана шундай тараққиёт тенденцияси қисман бўлсада ҳозир ҳам давом этмоқда эҳтимол келажакда ҳам давом этса ажаб эмас. Шу сабабли бўлса ажаб эмас ўзбек халқи яхлит бутунлигини ташкил этадиган (ҳамма халқ ва миллатлардагидек) аёл ва эркакка бўлинган страталари – ўзаро алоқа ва муносабатларда одоб-ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилиши, аёлларда ибодат, шарм, ҳаё, нозиклик ҳислатларининг устунлиги, эркак-аёлда ўзаро иззат-ҳурмат, фаросат, садоқатлилик, ахлоқ-одорб нормалари, эстетик қарашлар мавжудлиги юқоридаги фикрлар натижаси бўлса ажаб эмас. Шунинг учун ҳам жамият таркибида социал страталар (ижтимоий гуруҳлар)нинг нақадар хилма-хиллиги ва кўплиги бир томондан жамиятни ижтимоий бошқаришни қийинлаштиради, иккинчи томондан эса социал страталар моҳияти, ўзига хос хусусиятлари чуқур илмий таҳлил қилиниб ўрганилса ижтимоий ва сиёсий, асосан ички бошқаришни осонлаштиради. Бу ҳолатларни чуқур атрофлича стратификацион ўрганишда ижтимоий ўзгарувчанлик жараёнларига ва уларнинг социал турларига алоҳида эътибор бериш ва унга амал қилишни таққоза этади. Улар асосан қуйидагилардан иборат:

1. Репродуктив – ижтимоий жараёнларни турли хил услубда ўрганиш.
2. Статусли – хизмат пиллапояларидан юксалиб бориш, турмуш ҳаёти жараёнларининг фаровонлашуви.
3. Худудий – қишлоқдан шаҳарга, давлатдан давлатга кўчиш ҳолати.

4. Маънавий кадриятлар, фикрлар, тушунчалар, ғоялар, ҳис-туйғуларнинг ўзгариши.

5. Жамиятнинг сиёсий-ижтимоий идора этишлиги, бошқарилишига кўра ўзгаришлар.

6. Илмий-техникавий ўзгаришлар, Устувор тараққиёт мезони сифатида юксак технологиялар информацион бошқарув соҳаларининг тобора мустаҳкамроқ ўрин эгаллай бошлаши.

Ўзбекистонимиз жамияти ижтимоий жараёнларнинг таркиби ва ижтимоий тизим моҳиятини характерловчи омиллардан ҳозирги кун социологлари, ўн иккита стратификацион тизимлар типини алоҳида ажратиб кўрсатиб, ўрганмоқдалар. Улар қуйидаги стратификацион типлардан иборат:

1. Ижтимоий-касбий таснифга кўра типлар;
2. Қавм-сулолавий асосларга мувофиқ типлар;
3. Маданий-эстетик даражаларга кўра типлар;
4. Ёшига кўра – ёш даврларига кўра типлар;
5. Жинсий таснифларига кўра типлар;
6. Этник-худудий ҳолатларига кўра типлар;
7. Диний эътиқод, диний консессияларига кўра типлар;
8. Партиявий эътиқодларига кўра типлар;
9. Уруғ-қабилавий-этник аждодига кўра типлар;
10. Муайян манфаатлар доирасида уюшган корпаратив типлар;
11. Ҳуқуқ бузарлик, жиноятчиликка мойиликка кўра типлар;
12. Маданий-рамзий интилишларга қизиқишларига кўра типлар

кабилардан иборат стратификацион типлардир.

Шу билан бирга жамиятда ижтимоий табақаланиш жараёнини ва табақаланишни ўрганишда риоя қилинадиган тамойиллар ҳам бўлиб, улар асосан қуйидагилардан иборатдир.

1. Эмпирик тадқиқотлар давомида ижтимоий страталарга эҳтиёжкорона муносабатда бўлиш, уларнинг ижтимоий-таркибий тузилишига, ижтимоий тузумдаги ўрни ва мавқеига нисбатан ҳурмат қилиш.

2. Ижтимоий страталарнинг ижтимоий статикаси ва динамикаси жараёнларини илмий баҳолашда тизимий ва яхлит ёндошиш талаб этилади.

3. Ўзбекистондаги ижтимоий страталарнинг миллий менталитети, регионал худудий хусусиятларини алоҳида эътиборга олиш, урф-одатларига ҳам яхши муносабатда бўлиш.

4. Ижтимоий страталар таркиб топишига сезиларли равишда таъсир этувчи сиёсий-иқтисодий, ижтимоий маънавий-маданий ва диний конфессионал, мафкуравий ва ғоявий омилларини атрофлича ўрганиш, объектив хулоса чиқариш.

5. Жамиятдаги ижтимоий страталар таснифини тузишда объектив ҳолда ёндашиб қиёсий таҳлил усулларида фойдаланиш талаб этилади.

Энг муҳими жамиятда ижтимоий страталар моҳияти ўрни мавқеини объектив ўрганилиб, ижтимоий стратификацион таҳлил қилиб, эмпирик

тадқиқотлар асосида тўғри таҳлил қилиб, назарий хулосалар чиқарилар экан, даставвал страталарнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маърифий-маданий даражасига сиёсий бошқарув моҳиятига ҳар бир стратанинг (асосан социал гуруҳ, табақа, қавм, эл-элат ва ҳ.к.) ўтрақлигига, миллийлиги, диний эътиқодларига, демографик-худудий яхлитлигига, маънавий-маданий менталитетига, илму-фан ютуғига, ўтмиш тараққиётига, жаҳон цивилизациясидаги ўрнига ва ҳозирги замон тараққиёти каби соҳаларга жиддий эътибор бериб, объектив стратификацион назарий хулоса чиқаришни таққоза этади.

## 2. ЁШЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ

- а) ёшлар социологияси тушунча ва моҳияти ҳақида
- б) жамиятда, Ўзбекистонда ёшлар потенциали ҳақида

Жамиятнинг таркибий тузилиши ҳақида фикр юритилар экан, асосан аҳолининг таркиби, яъни ўсмирликкача бўлган ва ўсмир ёшлар (25 ёшгача), ўрта ёшдагилар (50-60 ёшгача) ва кекса ёшдагилар (асосан 62 ёшдан кейинги авлодлар) ҳисобланиб, ёшларнинг умумий аҳоли сонига нисбатан ҳажми, ўрни ва мавқеи аниқланади ва жаҳондаги турли мамлакатларда турли хил даражани кўрсатади ва бу социал ҳолат бир хил эмас, хилма-хиллик демографик хусусиятларига эгадир.

Бизнинг мамлакатимизда эса – Ўзбекистонда бошқа мамлакатлардан демографик хусусиятларига мувофиқ тубдан фарқ қилади. Айниқса ёшлар (25 ёшгача) бизда жамиятимиз аҳолисининг катта қисмини, яъни 3/2 қисмини ташкил этади. Бу ҳолат Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги 15 йил мобайнида янада социал-демократик жиҳатдан жиддий ўзгаришларга олиб келди ва бу ўзгаришлар давом этмоқда. Шу сабабли бўлса керак ҳозирги даврда Ўзбекистонни ёшлар мамлақати деб бежиз ҳисобламоқдалар. Республикамизда аҳоли ўсиши жиддий тус олмоқда. Ҳозирги кунда аҳоли мамлакатимизда 26 млн. кишини ташкил этаётган бўлсада, бу ўсиш янада давом этиб, мутахассисларнинг прогноз қилиб, ҳисоблашича 2015 йилга бориб Ўзбекистонда аҳолининг сони – 36 млн.330 минг кишига етиб, аксарият кўпчилигини ёшлар ташкил этишини башорат қилинмоқда.

Шу сабабли аҳолининг ўсиши бевосита ушбу давр мобайнида аҳолининг меҳнатга яроқли аҳоли сони ҳам қарийиб 2 баробар ошиши ва 2015 йилга бориб 20 млн. нафар кишини ташкил этиш кутилмоқда. Бу башорат қилинаётган рақамлар юртимиз аҳолисининг сон жиҳатдан ўсишинигина кўрсатиб қолмасдан, у ёш навқирон ўсаётган, ривожланаётган миллат ва унинг интеллектуал салоҳиятининг ҳам сифат жиҳатидан ҳам катта имкониятларга эга эканлигини ҳам башорат қилинишидир. Унда бевосита ёшлар асосий ўринни эгаллайди.

Шу сабабли социология фанида ёшлар социологияси мавзуини ўрганишни асосий мақсад ва вазифа қилиб қўйилган. Чунки ёшларда ўзига хос ёшлик ғурури, жасорати ва салоҳиятли интеллектуал моҳияти бор. Бу жараённи ўрганишни ҳозирги давр талаби таққоза этади.



Ёшларнинг интеллектуал-руҳий камолоти, уларнинг маънавий ўз-ўзини англаши жараёнлари билан бевосита боғлиқдир. Айниқса мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ўзига хос вужудга келган шароитда ёшлар характерида ижтимоий идеалларнинг (кўпроқ ғурурнинг) сусайиб кетишига, тушкунликка боришига йўл қўймаслик муҳим вазифадир.

Ёшларнинг миллий ўзлигини англаш шароитида, уларнинг ижтимоий (социал) манфаатларини (ёшликда моддий ҳолатга интилиш маънавий ҳолатга интилишга нисбатан кучлироқ бўлади Ш.А.) ўрганиш ҳамда назарий жиҳатдан тадқиқ этиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифаларни амалда бажариш учун қуйидагиларга жиддий эътибор беришни таққоза этади:

1. Фикрлар хилма-хиллигини эътиборга олиш нуқтаи назаридан мустақиллик шароитида ижтимоий манфаатлар бевосита мавжуд концепциялар орқали таҳлил этишга ва замонавий давримиз шароитларига хос бўлган қарашлар тарзида ифодалаб бериш;

2. Ижтимоий манфаатларнинг жамият тараққиётидаги ўрни, имконияти ва аҳамияти, ҳамда замонавий, мавжуд сиёсий жараёнларда сиёсий ва иқтисодий манфаатларни ўзаро мутаносиблаштириб уйғунлаштирган ҳолда ўрганиш ва тавсиялар бериш;

3. Ижтимоий манфаатлар моҳияти ва мазмуни ҳамда жамият ривожигаги ўрни масалаларини социологик жиҳатдан ёшларга нисбатан таҳлил этиш;

4. Ёшларнинг жамиятдаги этно-сиёсий жараёнларини таҳлил этиб, уларнинг (ёшларнинг) миллатлараро муносабатларга таъсирини (жумладан, ҳозирги кунда Россияда ёшлар ўртасида бошқа, асосан Жанубий, Марказий Осиё регионидаги миллатларга нисбатан душманлик ҳаракатлари кучаябораётганлиги – Ш.А.) ҳамда миллий манфаатлардаги ўрнини кўрсатиш;

5. Этник манфаатларнинг ижтимоий тараққиёт ва жамият ривожигаги воқеа-ҳодисаларга ўзаро алоқадорлик диалектикасини ўрганиб, ушбу жараёнларнинг жамият тараққиёти билан боғлиқ хусусиятларини таҳлил этиш;

6. Ёшларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий омилларнинг, улар ижтимоий манфаатларига таъсирини ўтказиш соҳаларини ўрганиш;

7. Ҳозирги ижтимоий тараққиёт даврида ижтимоий тараққиётга хос жараёнлар ривожига этник манфаатларнинг ўсиб миллий ва умуминсоний мазмун, моҳият касб этиши хусусиятларини назарий тадқиқ қилиш каби ёшларнинг социологик хусусиятларига жиддий эътибор бериш, таҳлил қилиш ва унинг натижаларига асосан ёшларга муносабатда бўлиш давр талаби ҳисобланади. Акс ҳолда ёшларда социологик жиҳатдан салбий хусусиятлар кучайиб кетишини унутмасликни ҳам давр талаби таққоза этади.

Шу сабабли социология фани ёшларни жамиятдаги ижтимоий, маънавий ва руҳий жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга бўлган, ўз

характерида тез-тез ўрганиб туришликка мойил бўлган йирик ижтимоий гуруҳ деб биледи ва шу асосда ўрганади.

Ёшларга нистабан бундай холисона ёндашув натижасида, уларнинг нафақат ёшидаги тафовутлар, балки иқтисодий фаркли жиҳатлари, феъл-атвор типлари, шунингдек ижтимоий-сиёсий мавқеи, маънавий қиёфаси, онг, тафаккури даражаларини ҳам ўрганишни таққоза этади. Бевосита бу жараёни социология фани ўрганади.

Бироқ ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан бир-биридан фарқлигини айрим социологик мутахассислар ёшларнинг мутахассислигига мувофиқ “қуйи” ва “юқори” чегараларини эътиборга олишни, шу билан турли гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ва касбий сифатларини шаклланишининг давомийлигига қараб аниқлашга ундамоқда. Жумладан, бир ёш ишчининг ўзига мувофиқ касб эгаси, мутахассис бўлишдан қатъий назар, у бу касбга 25 ёшларгача эга бўлиб мутахассис бўлса, ёш олим бўлиш эса энг камида 30-35 ёшларда шаклланади. Касб бўйича ёшлик чегаралари у ёки бу мамлакатларда бевосита мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятга, тарихий шароитга боғлиқдир. Албатта бу соҳада ижтимоий тузум катта рол ўйнайди, жамиятнинг ижтимоий тараққиётига кучли таъсир этади. Шунинг учун жамиятнинг ана шу ижтимоий соҳасини илмий ўрганиш ҳозирги даврнинг долзарб муаммолари ҳисобланади.

Кўпгина жаҳондаги мамлакатларда, кўпроқ Ғарб мамлакатларда ёшликнинг “қуйи” чегарасини ёшига мувофиқ, юридик ҳуқуқий норматив-меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйганлар.

Жумладан, ёшларнинг ёшлик даври – 14 ёшгача; ўсмирлик даврини – 14-16; 16-18 ёш миқдорида; фуқаролик ёшини эса 16-18 ёшдан кейинги даври сифатида ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйганлар.

Ёшларнинг мустақил касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ва имкониятларини ҳисобга олиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун жамият аъзоси, фуқароси сифатида жавоб беришга тайёрлиги, унинг қобилияти, никоҳга киришиб, уйланиш имконият ҳуқуқи, меҳнатга нисбатан тайёрлиги соҳалари бевосита ёшларга нисбатан белгиланган “қуйи” чегарани ташкил этишини таққоза этилишини таъкидламоқдалар, бу эса жаҳон тажрибасида ўртача 14-16 ёшни ташкил этиш зарур деб ҳисобламоқдалар. Ана шу ёшдаги ёшларни турли хил ғоявий, маънавий, ахлоқий, моддий ҳатто сиёсий таъсирларга олиш, тарбиянинг хоҳлаган соҳасига ўз таъсирини ўтказиб, тайёр жонли куч, қуролга айлантириб олиш мумкинлигини, психологлар ҳам, педагоглар ҳам исботламоқдалар, бу ёшдаги ёшларни салбий, ижобий томонларга буриб юбориш реакционер, қотил, бузғунчи-бандит, экстремист, террорист қилиб юбориш, ёки ансинча уни бу ёшда яхши тарбия бериб, келажакда жамиятнинг комил инсонли мутахассиси, ноёб ахлоқ, одоб эгаси, ватанпарвар, инсонпарвар кадрлар қилиб юбориш мумкинлигини исботламоқдалар. Жумладан, Руслан Чагаев ана шу ёшда спорт билан, бокс билан берилиб шуғулланган, унга тарбия берилган, натижада у ўта оғир вазнда Жаҳон Чемпиони бўлиб, Ўзбекистоннинг орномусини сақлаб, унинг байроғини Жаҳонда баланд кўтарди.

Шу сабабли юқорида кўрсатилган 14-16 ёшда ёшларда бекарорлик, ўзгарувчанлик ҳолати устун бўлиб 16-18 ёшларда эса стабиллашиш мослашув жараёни юксакроқ бўлиб, 18-ёшдан бошлаб ёшларда барқарорлик ҳолати юзага чиқаборади ва салоҳиятлилик даври бошланиб, жамият аъзоси, мамлакат фуқароси номига лойиқ бўлаборади. Шунинг учун ҳам фуқаролик 18 ёшдан бошланишини ҳуқуқий жиҳатдан қатъий қилиб белгилаганлар, фуқаро сифатида муносабат қилмоқдалар.

Шунинг учун ҳам таъкидлаш лозимки, ҳозирги ранг-барангли даврда хориждаги айрим сиёсий-ғаразли кучлар жамиятнинг истиқболдаги, истиқболли ёшларни ўз таъсирига (аксарият 14-16 ёшдаги ўсмирларни) олишга уринмоқдалар, қисман эса ўз мақсадига эришишга ҳам (жумладан. “Хисб-у таҳлил”, “Акрамийлар”, “Толибонлар” ва бошқа экстремистик, террористик гуруҳлар) ваҳтинчалик муваффақ ҳам бўлмоқдалар. Шу сабабли, ҳозирги давр талаби ёшларнинг келажакда ана шундай салбий таъсирга, реакцион кучлар тузоғига илиниб қолмаслиги учун, айна замонда таълим-тарбия тизимини, кўпроқ социология фани, умуман ижтимоий фанлар назарини ёшларга қаратилиши (шуни ҳам эслатиб ўтмоқ лозимки, 18 ёшда ўсмирлар фуқаролик даражасига етганда ҳам, то 20-24 ёшларгача ҳам ўсмирлик даври таъсири юз бериб туради, айниқса моддий ва кўпроқ биологик ва социологик таъсир – Ш.А.), улардаги мавжуд муаммоларини, уй-ташвишларини, онг-тафаккуридаги кескин ўзгаришларини билиб олишга, ана шу соҳаларга, асосан ёшларга нисбатан сиёсатни, ёшларга бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий муносабатларни ўрнатиш, олиб боришда албатта илмий асосга, илмий-назарий хулосаларга социологик-эмпирик тадқиқот натижаларига, ҳар бир гуруҳ, социал страталар характериға мувофиқ сиёсат олиб бориш жамиятда ёшларда, улар тарбиясида ижобий натижаларни қўлга киритиши, уларни реакцион кучлар таъсиридан сақлаб қолиниши табиийдир.

Шу сабабли ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон ўзининг келажак тараққиёти истиқболда ёшларни келажакка ишонч билан тарбиялар экан, жамиятга мустақил фикрлайдиган, ўзига фикран эркин шахсни, баркамол инсонни тарбиялаб, вояга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, ўз қадр-қимматини англайдиган иродали, жисмонан бақувват, иймони бутун, эътиқодли, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган ёшларни тарбиялаб, фаол шахслар даражасига кўтаришдан иборатдир.

Шундагина ҳар бир ёш онгли турмуш кечиришнинг жамиятдаги ҳаётий, турмуш-тарзининг бош мезонига айлантириши мумкин. Ҳурматли Президентимизнинг ёшларга қарата бу ҳақда айтган сўзи алоҳида аҳамиятга эгадир. Яъни, “...шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада орқага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча – ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз маъсулияти билан онгли тарзда озод ва хур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларнинг ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди” – деб таълим-тарбия ролига катта баҳо берган эди. Ана шундагина ёшларга нисбатан сиёсатни

тўғри йўлга қўйсагина социология фанидан таълим-тарбияда тарбиявий-услубий социологик услубият орқали олиб борилса нафақат социал билим, балки ижобий стратификацион назарияга хос тарбия берилади, келажакда ёшлар тўғри йўлни танлайди.

### **III. ДЕВИАНТ – ХУЛҚ-АТВОР СОЦИОЛОГИЯСИ.**

#### **1. Девиант – хулқ-атвор моҳияти ва тушунчаси.**

Ижтимоий жамият ўзига хос умумий қонуниятларга, инсон фаолияти билан бўлган меъерий тартиботларга, ҳаётий қонунларга, турмуш тамойилларига мувофиқ ривожланади, тараккий этади, жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъерларга қатъий риоя қилади, амал қилади. Аммо бу ижтимоий меъерлардан ҳам четга чиқиш, қонунларга бўйсинмаслик, ҳуқуқларни бузиш ҳоллари ҳам жамиятда учраб туради. Ана шу ҳолатлар бевосита ижтимоий жамият қонунларига, сиёсий бошқаришга, жамият умумий қоида-қонунларини ўзида мужассамлаштирадиган умумхалқ иродасига мувофиқ ҳаракатда бўладиган асосий қонунлар мажмуаси (уни “Конституция” деб атаймиз Ш.А.) ҳукмрон бўлиб ундан четга чиқишлар жиноят ҳисобланиб қораланади. Шу сабабли жамиятнинг ҳуқуқий, қонуний тартиботлари бевосита халқ урф-одатлари, ўз истак мақсадларига мувофиқлашган амалий удумлари билан уйғунлашиб кетади ва у турмушда ижтимоий ҳаётда амал қилади ва бу тартиботларга риоя қилиш ижтимоий меъерлар деб аталади.

Ана шу ижтимоий меъерлардан четга чиқишлик, яъни бу ижтимоий меъерларни бузиш, риоя қилмаслик жиноятга қўл уриб, шу йўлдан боришлик ҳолатларини социология фанида Девиант – деб аталади.

Девиант – (ахлоқ-одоб) хулқ-атвор социологияси Ғарбда, айниқса АҚШда кенг кўламда “Социология” фанининг асосий йўналишларидан бири сифатида илмий-амалий жиҳатдан чуқур ўрганилмоқда. Бизда эса, миллий мустақиллик туфайли илмий ва назарий жиҳатдан ўрганилиши учун имконият яратилиб, ўрганила бошланди. Аммо жамиятда девиантга, хулқ-атворга манба бўлаоладиган ҳолатлар жаҳондаги бошқа халқларга нисбатан Марказий Осиё халқларида узок ўтмишда қадимдан олдин пайдо бўлган бўлиб ижтимоий меъердан четга чиқишлик, ахлоқ-одобдан чекиниш ҳолатларига қатъиян чек қўйилган, бузилишига йўл қўйилмаган, ҳаракатдаги қонундан ҳам таъсирчан кучга ҳам дунёвий, ҳам диний йўл билан, инсонлар руҳиятига таъсир этгучи кучга айланган ва ҳозир ҳам халқимиз ана шу ижтимоий меъерлар доирасида яшамоқда. Истиқбол туфайли янада таъсирчан айланиши тобора такомиллашиб бормоқда.

Чунки ижтимоий ҳаётда жамиятда инсонлар фаолиятини, ҳатти-ҳаракатларини, хулқ-атворларини диний, дунёвий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий меъерлар бошқаради.

Ижтимоий меъёр жамият бошқарувининг ажралмас маънавий, рухий ва моддий қисмларидан бири бўлиб, инсон, шахс ёки ижтимоий гуруҳ, қавм, элат хулқ-атворини муайян социал муҳитга мослаштирувчи, мувозанатини сақлаб, тобора мустаҳкамлаб борувчи тамойил, қоидалар мажмуасидан иборатдир. Ижтимоий меъёрнинг жамиятда бир неча турлари, хиллари мавжуд бўлиб, уларга асосан ҳуқуқий, ахлоқий, диний, дунёвий, ҳамда урф-одатларга оид меъёрлари шулар жумласидандир.

Ижтимоий меъёрларнинг афзалликлари шундаки, ҳар бир мисол ёшлигиданоқ мавжуд авлодларидан мерос бўлиб келаётган муайян меъёрларга мослаштирилиб борилган ва шахслар даражасига кўтарилиб келинган. Ана шундай шахслар умум авлод томонидан қабул қилиниб, келажакка мерос сифатида қолдирилган тамойилларга мувофиқ тарбия берилган ва бу тамойиллар доирасидан четга чиқарилмаган ва бошқалардан ҳам, ўзидан кейинги авлодлардан шуни талаб қилинган. Марказий Осиё халқлари ана шу меъёрларга қатъий риоя қилган, халқимиз ўтмиш ота-болаларига, улар меросига иззат-ҳурматда, садоқатда бўлган. Шу сабабли бўлса керак Президентимиз маънавият, маънавий мерос, ота-боболар ўғити, ота намунаси, она сути билан киради, - дейишлигида табиий, ижтимоий ҳақиқат бўлиб, ижтимоий меъёрларини асл манбаисини кўрсатиб берган.

Жамият тараққий этиб борган сари мавжуд жамиятда амал қилиниб келинаётган меъёрлар ҳам замонасига мувофиқ ўзгариб, янгиланиб, даврга мослашиб, омма онгига сингиб, амалда қўлланилаборади, эскилари таркибига янгиларини тобора киритилиб, амал қилинаборди, ижобий ижтимоий меъёрлар таркибини кенгайтираборади. Албатта бу ўзгаришлар бевосита жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ҳатто иқтисодий тизимларининг сиёсий бошқариш у амал қиладиган қонунларга ҳам боғлиқдир.

Жамият аъзоларининг мазкур ижтимоий меъёрларга амал қилиб яшашларини доимо ижтимоий тизимларнинг ўзгариши ёки ўзгармаслигига боғлиқ бўлмаган ҳолда назорат қилиб борувчи институтлар ҳам бўлиб, бу институтларни назорат қилувчи (давлат ёки нодавлат йўли билан эмас, бевосита ижтимоий йўл билан) **ижтимоий назорат институтлар** - деб аталади. Бу ижтимоий назорат институтларига – никоҳли оила, мактаб, боғча, маҳалла, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари, диний шахслар, улар уюшмалари, мактаб мадрасалари, тасаввуфчи алломалар, тарбиячи-мураббийлар (албатта давлат ёки диний ташкилотлардан ташқари фаолиятлари жараёнида) ва ҳоказолар ташкил қилади.

Инсон тарбиясида, ижтимоий меъёрлари талабида тарбиялашда энг муҳим, энг биринчи ижтимоий назорат институти бу оила, фақат никоҳли оиладир. Чунки фарзанд тарбияси бешиқдан бошлаб, баркамол комил инсон бўлиб шаклланишида никоҳли соғлом оила муҳитининг ўрни бениҳоя каттадир ва салоҳияти эса чексиздир. Ҳар бир фарзанд инсон бўлиб, шахсга айланишининг дастлабки манбаи ота-онага, оилага, бевосита боғлиқдир. Чунки инсондаги хулқ-атвор, ахлоқ-одобнинг дастлабки нормалари оилада шаклланиб, мактаб, маҳаллада, жамоатчилик ўртасида таълим-тарбия тизими фаолияти жараёнида такомиллашади,

атроф-муҳит қиёфага солади, инсоний фазилатлари шаклланиб такомиллашадиган комил инсонийлик даражасигача кўтарилиб боради, агар акси намоён бўладиган бузғунчи, мурдотликка тушиб қолади. Бу жараённи “Социология” фанида “Девиант” – деб аталади.

Девиант хулқ-атвор – бу жамиятда ўрнатилган ижтимоий ахлоқ меъёрларидан четга чиққан, бу меъёрларга мос келмайдиган инсонлар фаолияти, ҳадди-ҳаракати ва бошқа ижтимоий ҳодисаларидаги турли қилиқлари, муносабатлари, фикр-мулоҳазалари ҳисобланиб, буларни жамиятда хулқ-атвори ҳаракати-фаолиятига мувофиқ аталиб, уларни ёлғончи, дангаса, ўғри, безори, “ёзувчи”, ҳасадчи, бахил, гиёҳванд, тавламачи, фирибгар, иймонсиз, эътиқодсиз, беҳаё, фоҳиша, орсиз, қасд қилиш ва ҳоказо сўзлар билан номланиб, кўплаб шу каби ижтимоий меъёрлар талабига зид келгучи хулқ-атвор хусусиятлари ҳисобланади. Бу хулқ-атворлар “Социология” фанида девиант хулқ-атвор кўринишида қуйидаги аниқ номлар билан таърифланади ва кенг моҳиятини аниқ билдиради. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Жиноятчилик – бу муайян давлатда ўрнатилган бутун жамоатчилик истак-мақсадларига мувофиқ бўлган қонун ва ҳуқуқий, ижтимоий меъёрларга нисбатан айрим жамият аъзолари, шахсларнинг зид ҳаракатлари, салбий муносабатлари, жиноий фаолияти, ҳадди-ҳаракатлари бўлиб, жиноий ишга қўл урган шахс эса жиноятчи ҳисобланади. Унинг хили кўп.

2. Ичкиликбозлик – бу ҳам жамиятда жирканч иллатлардан ҳисобланиб, у бир неча хилга бўлинади:

а) алкогольни ҳар-ҳар замонда истеъмол қилувчи шахс;

б) алкогольни кўп истеъмол қилиш, спиртли ичимликларни мунтазам, яъни ҳафтада бир мартадан – бир неча мартагача ёки бор баракайига ўртада танаффус билан кўп миқдорда истеъмол қиладиган шахс. Бу эса охир оқибат алкоголизмга олиб келади;

в) алкоголизм – спиртли ичимликларга потологик ўрганиб қолган, тузатиши қийин бўлган зарарли хавфли касаллик;

г) гиёҳвандлик – (нашаванд) зарарли, инсон ҳаётига хавф солгучи усимликлардан тайёрланадиган ва гиёҳвандликка тенглаштирилладиган воситаларга (наша, героин, қора, қизил.....) мунтазам ружу қўйиб ва тиббий кўрсатмаларсиз истеъмол қилишга;

3. Фоҳишабозлик – бу ҳам бир неча хилларга бўлинади. “Социология” фани тахлили бўйича расмий никоҳсиз жинсий алоқа (Марказий Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи уни ҳаром дейди), фоҳишабозлик деб атайди ва уни иккита турга бўлиб ўрганади.

а) конкубинат – никоҳсиз бирга яшаш, бу Ғарбда кенг тарқалган, Шарқда Марказий Осиёда XX асрдан кенг тарқалмоқда, аввал, яъни XX асрга қадар албатта никоҳ қилиб, яшаган ва маълум вақтдан кейин “уч талоқ” (яъни “ҳаром”) деб ажралган;

б) фоҳишабозлик – бу пул учун маълум вақт ичида ёки узлуквсиз ўз танани сотиш ҳисобланиб, бу ҳам Ғарбда кенг тарқалган, Шарқда ҳам, Жанубда ҳам мавжуд.

Умуман олганда Ғарб мамлакатларида юқорида кўрсатилган девиант хулқ-атворнинг иккинчиси “Ғоҳишабозлик” кейинги вақтларда қораланмоқда, Шарқда эса иккаласини ҳам ижтимоий меъёрлар талаби бўйича бузғунчилик – деб қараланади (яъни “ҳаром” деб таҳлил қилинади).

4. Ҳасад – ижтимоий меъёрларда ҳасад қораланиб, инсонийликка зид ҳаракат сифатида қадимдан, ҳатто “Авесто”да ҳам салбий ҳолат деб таҳлил қилинади, ижтимоий меъёрларда Шарқда, асосан Марказий Осиё халқларида қадимдан жиддий эътибор берилиб “ҳасад” ўрнига “ҳавас” билан инсонлар яшашига даъват қилиниб келинади. Шу сабабли бўлса керак ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов Республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида, 2007 йил 12 февралда “... ҳасад билан эмас, ҳавас билан қараш жамиятимизда тобора чуқур қарор топишини хоҳлардим”<sup>1</sup>, - деб яна давом этиб, “... энг муҳими, юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш олдимизда турган барча вазифаларни амалга оширишда энг катта пойдевор бўлишини унутмаслигимиз зарур”<sup>2</sup>- эканлигини таъкидлаб “ҳасад” билан эмас, ҳавас билан яшашни ҳаваснинг қадимий, ҳозирги ва келажакдаги ижобий салоҳиятга эгаллиги, “ҳасад”нинг эса ижтимоий тараққиётга қадимда, ҳозирда ва келажакда зарарли таъсир этиб хунук, салбий оқибатларга олиб келиши, ривожланишга тўсиқ бўлишини таъкидлашдан иборат кенг маъноли, социал жиҳатдан чуқур ғоявий фикрни илгари суради. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, “Социология” фанида “ҳасад”ни девиант сифатида таҳлил этилмаган ва биринчи бор бу ҳақда фикр юритилмоқда, келажакда уни янада кенгроқ, чуқурроқ ўрганишни ҳозирги давр таққоза этмоқда.

5. “Бюрократия” – бюрократия терминини аслида девиант туркумига киритиш унчалик социал жиҳатдан тўғри эмас. Чунки “бюрократия” – сўз маъноси Ғарбда “ҳокимиятга эга бўлган ходим” – деган маънони англатади, яъни “амалдор” – дегани.

Аммо ижтимоий тараққиёт жараёнида жамиятни бошқариш борасида амалдорлар, ҳукумат бошлиқлари Ғарбда ҳам Шарқ ва Жанубда ҳам, асосан Ғарбда – маҳаллийчилик, қоғозбозлик, буйруқбозлик, тўра-тўрачилик, амал-феш-қош қилиш, мансабни суистеъмол қилиш, халқ оммасини, меҳнаткашни, оддий инсонларни менсимаслик, ҳатто зўрлик даражасигача бориб етишлик (бу ҳолат ҳозир анча кучайган) каби салбий ҳолатлар амалдорлар, давлатни бошқариш ходимлари томонидан юз бераётганлиги сабабли, асл маъносини тобора йўқота бориб “бюрократия” (яъни “амалдор”, “давлат ходими”) номи билан салбий таҳлил қилиниб, баҳоланиб (ижтимоий ҳаётда мавжуд ҳолат) “Социология” фанида девиант йўналишига киритилиб ижтимоий меъёрларидан қонундан, ахлоқ нормаларидан четга чиқиш – деб қораланган, салбий маъноларда ишлатилишига бошлаган.

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 2007 йил 13 феврал

<sup>2</sup> Уша жойда

Девиант туркумига киритилиши лозим бўлган ҳолатлар, ҳаракатлар ижтимоий жамиятда етарлича “Социология” фанига кирмай қолган соҳалар, кўп бўлиб, уларни келажакда ўрганиш давр талабидир.

Девиант хулқ-атвор муаммосини ижтимоий ҳаётда Шарқда қадимдан эътибор берилиб келинсада, Ғарбда фанга олиб кириш ҳаракати олдин бошланган. Жумладан, Ғарб социолог олими Э.Дюргейм жиддий эътибор бериб, чуқур ўрганиб, фанга олиб кирган. У девиант жамиятнинг қадимий социал муаммоларидан эканлигини таъкидлайди. Ҳақиқатда қадимий халқларнинг диний-мифологик тасаввуфларида Қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой халқлари, яқин Шарқ аҳли ижтимоий ҳаётида, уларнинг диний, дунёвий қонун-қоидаларида, ахлоқий меъёрларида бу соҳада дастлабки социал қарашлар мавжуд бўлган. Қадимги Юнон ва Рим файласуфлари ҳам ўзларининг асарларида мазкур муаммоларни таҳлил қилиб берганлар.

Марказий Осиё халқларининг қадимий муқаддас китоби “Овеста” (Ахраман ва Ахурамазда ўртасидаги кураш)да ҳам бу социал девиант муаммоларига алоҳида эътибор берилган, “яхшилик” билан “ёмонлик” ўртасидаги курашнинг социал моҳиятини ўзида ифодалаб берганлар.

XVII-XVIII асрларга келиб Ғарбий Европада жаҳон цивилизациясининг дастлабки куртаклари кўринабошлаб жамият ривожининг тобора юксалиб бориши ахлоқ меъёрларининг христианга диний тасавурлари, ижтимоий меъёрлар доирасидаги талаблари четга чиқабошлайди, ахлоқ нормалари доирасига сифмай қолаборади.

Ғарбий Европада XVIII асрга келиб жиддий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар юз бериши оқибатида социал фикр намоёндалари бўлган мутафаккирлари ижтимоий меъёр ва ахлоқ нормаларидан чекиниш тобора кучайиб бораётганлиги муаммоларини янада чуқурроқ ўрганишга киришадилар ва таҳлил қилабошлайдилар. Жумладан, Ғарб мутафаккирларидан Ш.Л. Мантескье, Жон Жак Руссо, И. Беккариа, К. Гельвеций, Д.Дидро, П.Гольбах, Морелли, О. Конт, Сен.Симон, Шарль Фурьелар ва бошқалар ўзларининг илмий-социал изланишларида ижтимоий меъёрлар, қадриятлар, ахлоқ нормалари учун умумий (миллий) бўлган қонуниятларни аниқлашга интиладилар ва катта ютуқларни қўлга киритдилар.

XX аср Америка социологиясида эса муҳим ўрин эгалловчи социал таълимотлардан бири Э. Сатерленднинг дифференциал алоқалар таълимотидир. Бу таълимотга кўра ҳарқандай хулқ-атвор, шу жумладан, девиант хулқ-атвор ҳам ўрганилиб, унда мавжуд жамият аъзолари томонидан мазкур хулқ-атвор бошқаларга алоқалар қилиш орқали ўргатилади, ўтади – деган ғояни илгари суради.

Ижтимоий жамият таракқиёти жараёнида ҳолатларнинг пайдо бўлиши, унинг биологик ва социологик хусусиятларнинг ўзига хослиги, кўпроқ ижтимоий жамиятда шахсда инсонийликнинг социологик ҳолатларида ўзгаришлар юз бериши, девиантликнинг тобора юзага чиқабориши, шаклланиб янада ривожланишида “Социология” фани аниқлаши бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган учта омилни инобатга олиш



мумкин. Булар шахс хусусиятларида муаммоли вазият ва муаммолар жараёни ва ижтимоий назорат институтлари ҳисобланиб, айнан ана шу омиллар шахснинг қандай фаолият кўрсатиши ва иш юритишини белгилаб беради.

Шу билан бир қаторда шахс хусусиятларининг шаклланишида эса унда ҳам асосан учта омил муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Улар: 1) ирсий омиллар; 2) психофизиологик омиллар; 3) шахснинг билим даражаси бўлиб омиллар шахс хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради. Шахс фаолиятида юз берадиган иккинчи омил бу шахснинг асосий муаммолари ҳисобланиб, унинг ижтимоий меъёрлардан оғишларининг юз бериши муаммоларидир, яъни шахснинг қатъиятли ёки қатъийтсизлиги, принципааллиги ёки принципсизлиги, қоидаларга бўйсиниши ёки бўйсинмаслик одатлари, бирон-бир қарорга келаолиш имконияти, ташқи таъсирга қанчалик берилиши, иродаси ва бошқа шу каби психофизиологик ҳолатлари, мижози каби ҳолатлар катта таъсир кўрсатади.

Жамиятнинг ижтимоий меъёрлардан оғиш ҳолатлари девиант хулқ-атворни ўрганишда муаммоли вазият муҳим аҳамиятга эга бўлган ва бўлади. Муммоли вазият шундай вазиятки, у субъектдан муаммонинг ечимини талаб қилади, унинг ечими ижтимоий меъёрларда кўрсатилган бўлсада, у ёки бу сабабларга кўра, ушбу меъёрларни қўллаш қийинроқ бўлади.

Умуман олганда жамиятда шахс шаклланиши ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, унга, яъни шахс шаклланишига таъсир этадиган ҳолатлар ва бу ҳолатларга мувофиқ муаммолар, бу муаммоларни ҳал қилиш имкониятлари ҳам чексиз ва мураккаб бўлиб, буни бу мавжуд муаммоларни ҳал этиш имкониятлари мураккаблиги даражасининг маълум йўналишли ҳолатлари “Социология” фанида ҳозирги кунда унинг ўрганаётган туртта муаммоли ҳолати аниқдир. Улар қуйидагилардан иборат:

1) Ижтимоий жамиятда шахс шаклланишига таъсир этувчи ҳеч қанақа муаммо йўқ ҳолат, бунда намоён бўладигани шундан иборатки бу ҳолатда ҳеч қанақа қарор йўқ ва қарор қабул қилиш учун ҳам талаб йўқ, талаб қилинмайдиган ҳолат;

2) Шахс шаклланишида муаммо бор, бироқ қийинроқ ёки осонроқ бўлса-да, унинг ечими ҳам ижтимоий меъёрларда кўрсатилган ҳолат бўлиб, муаммони ҳал қилиш услуби аниқ бўлган ҳолат;

3) Шахс шаклланишида мавжуд муаммони субъект ижтимоий меъёр доирасида ҳал қилаолмайдилар ва ҳал қилаолмайдиган ҳолат;

4) Шахс шаклланиши жараёнида мавжуд муаммони ҳеч қанақасига ҳал қилиб бўлмайдиган ҳолат (жумладан, табиий камчилик билан бино бўлган инсонни нормал тўлақонли инсонга айлантириш, ўғилни қиз, ёки қизни ўғилга айлантириш мумкин бўлмаган муаммолар). Бу ҳолатлар бевосита социология фанида, девиант хулқ атвор социологиясида жиддий эътибор бериладиган ижтимоий меъёрлар доирасида ўрганиладиган ҳолатлардир.

Девиант хулқ-атвор турларига кирувчи ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўз-ўзини ўлдиришлар, ўз жонига, ўзгалар жонига қасд қилувчилар ва бошқа турлари билан боғлиқ ижтимоий иллатларнинг ҳар бири юзага келиши ва уларнинг социал оқибатларига кўра бир-биридан моҳиятан жиддий фарқларга эга бўлган жиноятлар ҳисобланади. Аммо бу жиноятларга таъсир этиш ҳолатларини ҳам, фарқини ҳам социал моҳияти жиҳатидан ўрганиш талаб этилади.

Жумладан, бу девиант хулқ-атвор турларини бир-биридан ажратиб турувчи фарқлардан бири у ҳам бўлса ижтимоий зарарли одатларнинг узоқ давом этиши ва бу девиант инсон хулқига, турмуш тарзининг узвий бўлагига айланиб кетишидан иборатдир. Улардан бири оилавий келишмовчиликнинг доимий тус олиши, оила ва атроф муҳитдан норозилик, иш жойидаги тушунмовчиликлар, раҳбариятнинг ишчиларга, ходимларга адолатсиз муносабатларининг узлуксиз давом этиши, қонунларга риоя қилмайдиган, кўпроқ раҳбариятга, амалдорларга хос ноҳақлик ҳолатларининг доимийликка айланабориши ва ҳоказолар, буларнинг барчаси субъект руҳиятининг бузилишига, жамиятдаги мавжуд вазиятдан қатъий норозичилигига сабаб бўлади ва бу жараён субъект учун гўё “абадий”-дек кўринади ва у, яъни субъект бу вазиятни, кучи, имконияти борми, йўқми уни ўзгартиришга ҳаракат қилади.

Агарда ана шу субъект гуруҳга айланса ижтимоий тус олади ва унга қаршилиқ кўрсатувчи сиёсий бошқарув бор имкониятини, ҳимоя кучларини ишга солади, хатто субъектни ҳимоя қилувчи ижтимоий институтлар ҳам, ҳукумат кучларига муросавий позицияга ўтади, камчиликларга йўл қўяди, зиддиятлар тобора кенгайиб, ҳукуқий, назоратлар ҳам салбий роль уйнаб, ижтимоий норозилик адолатли ҳал бўлмасдан “куч” билан бостирилади ва бу ҳолат субъектда ижтимоий норози гуруҳда абадийдек хис қилинади, ижтимоий норозиликни вужудга келтирилади. Бу ижтимоий фарқ ҳисобланади.

Девиант хулқ-атвор шаклланишининг иккинчи фарқи эса ёки фарқли жиҳати шундан иборатки, юқоридаги ҳолатларни ҳал қилишнинг маълум қийинчиликлари мавжуд бўлиб, бу қийинчиликларни енгиш учун ҳаракат қилиниб, қандай ҳолат бўлишидан қатъий назар, кўп қурбон бериб бўлсада, тўғри ва тез ечимга эришиш мумкин бўлади.

Аммо ҳамма маъно шундаки, субъект ёки гуруҳ қанча қурбон берган бераоладими ёки йўқми ундан қатъий назар: эр-хотиндан ажраладими, эски тизим янги тизимга айланадими, ёмон, ёқмаган касбдан янгисига ўтаоладими ёки йўқми девиант вазияти юз беради. Агарда бу вазият субъектнинг ўзига таалуқли бўлса, бу вазиятдан чиқиш учун қатъиятлик этишмаслиги, маълум бир қатъий қарорга келаолмай турган субъект “ўринбосар” воситаларга мурожаат қилабошлайди (бу жараёнда субъект характериға боғлиқ) ва улардан фойдаланишнинг турли йўлларини ахтарабошлайди. Жумладан, субъект учун ана шундай “ўринбосар” имкониятлар ва воситалар бу ичимлик, гиёҳвандлик, котиллик, ўғрилиқ, иғво-фисқу-фасад, бузғунчилик, фоҳишалик ва ҳ.к.дан иборат воситалардан фойдаланишга киришади. Бу йўл ижтимоий тус олиб,

зиддиётнинг тобора чуқурлашувига, турмуш тарзининг бузилабориб зарарлантирувчи кучга эга бўлган омилга айланаборади.

Шундай қилиб, девиант – хулқ-атворнинг ҳарқандай кўриниши қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар ижтимоий меъёрларга зид зарарли бўлиб, бу зиддиятли зарарлар шаклланиши ва тобора кенгайиб боришида, боғлиқли сабаблар мавжуд бўлиб, зарарли ҳолатларга олиб келган сабабларни аниқлаб, уни ҳал этиш йўллари аниқлаб, ечимини кўрсатиб бериш “социология” фанининг вазифаси бўлиб, девиантликка йўл қўймаслик учун белгиланган ҳар-бир ечимни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг маъноси жамиятдаги муаммоли вазиятдан чиқиш, муаммоли ҳолатни ҳал қилиш субъектнинг индивидуал мақсадлари билан жамият манфаатлари бир-бирига мос келишидир.

## Х У Л О С А

“Социология” фанида “Ижтимоий тузилмалар социологияси” мавзуи бўйича таҳлил қилиниб яқунланар экан, хулосада шуни таъкидлашни лозим деб ҳисобладимким, яъни ушбу мавзули муаммода энг асосий бўлган қуйидаги йўналишларга тўхталиб, таҳлил қилинишга тўғри келди. Жумладан,

- Ижтимоий стратификация назарияси ва унинг социал моҳияти, йўналишини таҳлил қилиб, назарий жиҳатдан моҳиятини очиб берилар экан, даставвал “Ижтимоий страталар ва уларни ўрганиш тарихи”ни анализ қилиниб таҳлил қилинди, шу билан бирга “Ижтимоий страталарнинг ҳиллари, типлари, принциплари ва эмпирик тадқиқотлар ҳақида” тушунчалар берилиб, Ғарб ва Шарқ тушунчаларига таҳлил берилди, солиштирилиб хулоса қилинди. Страталарнинг Ғарб ва Шарқона номлари кўрсатилиб, таъриф берилди.

- Ушбу услубий қўлланманинг иккинчи йўналиши ҳисобланган “Ёшлар социологияси” мавзуига боғлиқ муаммоларга, яъни “Ёшлар социологиясининг тушунчаси ва моҳияти тўғрисида”ги, “жамиятда,

Ўзбекистонда ёшлар потенциали ҳақида”ги масалаларга мисоллар билан тушунча берилди, таҳлил қилиниб хулоса, берилди.

Ушбу рисолада учунчи энг муҳим масала “Девиант – хулқ-атвор социологияси” йўналишига доир – “Девиант – хулқ-атвор моҳияти, тушунчаси”, “Девиант – хулқ-атвор турлари, унинг моҳияти ва ўрганилиши ҳақида” алоҳида таҳлил берилди, жамиятда ижтимоий хулқ-атворга боғлиқ ҳолатларнинг маълум қисмига, ҳаётда, турмушда кўпроқ учраб турадиган ҳолатларига тўхталиб ўтилди. Бу жараён ижтимоий меъёрларга, нормаларга зид ҳолат эканлиги таҳлил қилиниб берилди. Ижтимоий девиант – хулқ-атвор соҳаларига ҳозирги кунда Ғарбда, ҳозирги даврда АҚШ-да социологиянинг асосий соҳалари сифатида қаралади. Жумладан, америкалик социолог Энтони Гидденс “Социология” номли китобида бу соҳага алоҳида эътибор бериб, жамиятдаги ҳамма ижтимоий меъёрлардан, нормалардан ташқари бўлган ҳаракатларнинг хулқ-атворига таъриф берилган, ижтимоий тизим ва тузилмалар “мувозанатини” сақлаш учун девиант хулқ-атвор социологиясини чуқур ўрганиб, амалий тадбирлар белгилаш зарурлигини ўқтиради. Ҳақиқатда жамиятнинг сиёсий бошқарув тизими амалияти учун жамият хулқ-атвор социологиясини ўрганиш ва унга мувофиқ сиёсий муносабатлар юргизиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ижтимоий жамиятда инсон биологик ва социологик характерга асосан ривожланар экан, инсон кўпроқ социологик характерга берилувчан бўлиб, ижтимоий ҳаётда жамият манфаатига нисбатан шахсий манфаатини биринчи ўринга қўйиб фаолият кўрсатишга, бунинг учун жамиятда ўз мавқеини яхшилашга ҳар қандай имкониятлардан фойдаланишга, ҳатто ижтимоий нормалардан четга чиқишга (албатта қисман шахслар), ўз манфаати учун ҳеч нарсадан қайтмасликка, ҳатто яширин, ёпиқ қонунга қарши боришликка ҳаракат қилинади, инсон хулқ-атворида жамиятга зид ҳолатлар юз берабошлайди. Бу ҳолат айниқса бир ижтимоий тизимдан иккинчи ижтимоий тизимга ўтиш жараёнида юз бериши кўзга ташланади, яъни эски тизимдаги жиноятчи, янги тизимда амалдор, камбағал эса бой, мулкдор бўлиши ёки аксинча ҳолатлар бериши мумкин. Шу сабабли ушбу услубий қўлланмада ана шу соҳага алоҳида урғу берилган, социология фанида асосан ижтимоий тузилмаларни чуқур ва атрофлича ўрганиш долзарб муаммолардан бири эканлиги таъкидланган.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Жамиятнинг ижтимоий тузилмаларини қандай тушунасиш?
2. Социал стратификация назарияси моҳиятини қандай тушунасиш?
3. Страталар нима? ва у Марказий Осиё халқлари ҳаётидачи?
4. Ёшлар социологиясини ўрганишдан мақсад нима?

5. Девиант нима? У қандай тушунча?, Ижтимоий меъёрларчи?
6. Хулқ-атвор моҳиятини таърифлаб беринг.

### **Таянч иборалар:**

**СТРАТИФИКАЦИЯ** – жамиятда, ижтимоий ҳаётда турли хил табақа, тоифалар, синфлар, қатламлар ва ижтимоий гуруҳларга бўлинишига айтилади, уни илмий ўрганиш эса стратификация назарияси дейилади

**Г У Р У Х** – бир мақсад сари уюшган кишилар жамоаси

**ТАБАҚА** – жамиятда эгаллаган ижтимоий мавқеига мувофиқ шаклланган этник характерга эга бўлган кишилар қатламидир

**ТОИФА** – жамиятда эгаллаган насли-насаби, мулкига қараб ташкил топган кишилар....

**СИНФ, СИНФЛАР** – иш касби, ишлаб чиқариш муносабати, ишлаб чиқариш воситасига, махсулот ишлаб чиқиш имконияти ва маълум мулкга эга бўлгани

**БАТРАК** – камбағал, қашшоқ, мулкдор ихтиёрида ишлаб кун кўрувчи, меҳнаткаш

**МАРДИКОР** – сезонли меҳнат қилиб, оиласини боқиб кун кўрувчи, меҳнаткаш

**ТЎПОР** – қарал, оиласи, ҳуқуқсиз меҳнат қилувчи, бой хизматкори

**ИНТЕГРАТИВ** – кишиларни бирлаштиришни англатади

**КОМПЕРСАТОРЛИК** – кишиларни овитувчи ҳолатни англатади

**РЕГУЛЯТИВ** – назорат қилиш, тарбиялаш

**КОММУНИКАТИВ** – алоқа боғловчи

**ИЖТИМОИЙ НАЗОРАТ** – жамиятда инсонни маънавий, модий юксак комил инсонлик даражасига етказиш тарбиясини назорат қилиш

**ИЖТИМОИЙ МЕЪЁР** – жамиятда инсонлар ҳатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворларини, моҳияти, ҳуқуқ, ахлоқ ва бошқаруви ва шахсининг муайян социал муҳитга мослашувини тартибга солувчи қоидалар мажмуасига айтилади

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ** – ёшларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, моддий-иқтисодий жиҳатларини руҳан тушуниш, ўзлигини билиш тафаккурий онг сифатида амалда қўллай олиш қобилиятидир

**ДЕВИАНТ** – хулқ-атвор, инсон феъли, характери меъёрларидан четга чиқиш ҳолатлари, яъни ижтимоий меъёрлардан четга чиқишдир.

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 1992
2. И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”. Т.,”Ўзбекистон”, 1992
3. И.А.Каримов “Иқтисодий ислохотлар маъсулиятли босқич”, Т. 1994
4. И.А.Каримов “Истиқлол ва маънавият”, Т., 1994
5. И.А.Каримов “Истиқлол йўли, муаммолар ва режалар”, Т. 1992
6. И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, Т., 1998
7. И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари”, Т., 1998
8. И.А.Каримов “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”, Т.2000
9. И.А.Каримов “Янгилашиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир”. “Халқ сўзи”, 2007 йил 13 феврал.
10. М. Бекмурадов “Социология асослари”, Т., “Фан”, 1994
11. К.Юнусов “Социология” (ўқув қўлланма), Андижон, 1997
12. Муаллифлар гуруҳи. “Социология” (дарслик), Москва, 1990
13. Муаллифлар гуруҳи. “Умумий социология”, Т., 1991
14. В.В.Радаев, О.И.Шкаратан “Социальная стратификация” (учебник) Москва, 1996
15. Т.И. Заславская “Структура современного Российского общества” (статья) Москва, 1996 (Экономические и социальные перемены: мониторинг общественного мнения. стр. 7-15).
16. Ш.А.Ахадов “Социология” (ўқув-услубий қўлланма), Самарқанд, 2005 йил

## МУНДАРИЖА

№		Бетлар
	КИРИШ	
1.	Ижтимоий тузилмалар социологияси.	
	Ижтимоий стратификация назарияси ва социологияси моҳияти	
2.	Стратификация тизими (типлари, турлари)	
3.	Ёшлар социологияси	

4.	Девиант – хулқ-атвор социологияси	
5.	Хулоса	
6.	Назорат учун саволлар ва таянч иборалар	
7.	Фойдаланилган адабиётлар руйхати	

**Муаллиф: тарих фанлари доктори СамДАҚИ профессори Ш.АХАДОВ**

**“Ижтимоий тузилмалар социологияси” (социал стратификация назарияси)**

Ўқув-услубий қўлланма  
(ўзбек тилида)

Редактор: А.Зиётова

тех.редактор: Ғ.Аҳадов

Корректор: Ш.Назарбердиев

Чоп этишга рухсат берилди: 2007 йил  
формат: 60x60  
Босма табоқ: 4 б.т.  
Тираж 200 та

**САМАРҚАНД – 2007 ЙИЛ**





